	<p>тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-4455-сонли Фармони 18 июль 2012 йил.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармони 16 июль 2012 йил.</p> <p>6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури түғрисидаги ПҚ-1474-сонли Қарори 7 февраль 2011 йил</p> <p>7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони 24 август 2011 йил.</p> <p>8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўtkазиши тартибини янада такомиллаштириш чора тадбирлари түғрисида”ги ПП-1529 сонли Қарори 12 май 2011 йил.</p> <p>9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисбот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кўчайтириш түғрисида”ги ПФ-3665-сонли Фармони 15 июнь 2005 й.</p> <p>10. 2015 йил 15 майдаги 4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги Президент фармони</p>
Илмий журналлар:	“Экономическое обозрение”, “Иқтисодиёт ва таълим”, “Биржа иши”, “Вопросы экономики”
Даврий нашрлар:	“Ҳалқ сўзи”, “Карьера”, “Иқтисодчи”
Статистик нашрлар:	<p>1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 стр.</p> <p>2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015.</p> <p>3. Узбекистан в цифрах. 2014. – Т.:, Госкомстат Узбекистана 2015. – 188 стр.</p>
Интернет ресурслар:	<p>1. http://www.gov.uz</p> <p>2. http://www.chamber.uz.</p> <p>3. http://www.stat.uz</p> <p>4. http://www.bank.uz</p>

МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

МАЪРУЗА МАШФУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

1-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни
2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва хуқукий асослари
3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик мухити ва унга таъсир этувчи омиллар
4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари
5. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни
6. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Инсерт техникаси, баҳс-мунозара.

1-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2000 йил 25 май, 69-II-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуннинг 3-моддаси 2003 йил 11 декабрь
3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
4. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.

2-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари

(2 соат)

1. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги
2. Тижорат тадбиркорлиги
3. Молиявий тадбиркорлик
4. Маслаҳат тадбиркорлиги
5. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Ақлий хужум, кластер.

2-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2000 йил 25 май, 69-II-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуннинг 3-моддаси 2003 йил 11 декабрь
3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
4. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.

5. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Фойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011. - 264 б.

3-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

(2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби
2. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш тартиби
3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Эксперт баҳолаш, кластер, кандай иерархик диограмма.

3-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2000 йил 25 май, 69-II-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуннинг З-моддаси 2003 йил 11 декабрь
3. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги 4725-сонли Президент Фармони.
4. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.
5. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Фойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011. - 264 б.

4-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини

ташкил этиш (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти
2. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари
3. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги
4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш.
5. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш
6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиши

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Ақлий хужум, нима учун схемаси, кластер.

4-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Paul W. Farris, Neil T. Bendle, Phillip E. Pfeifer, David J. Reibstein. Marketing Metrics. Second edition. 2010 by Pearson Education, Inc. p. 650.
2. Хотамов И., Садуллоев X. Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва истиқболлаш. Дарслик. ТДИУ, 2012 йил. 287 б.
3. Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Фойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: ADIB NASHRIYOTI, 2011. - 264 б.
4. Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjaeva Sh.J. Marketing. -T.: TDIU - 2011.202 б.

5-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифлари
2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда бизнес режанинг ахамияти.
3. Бизнес режанинг асосий бўлимлари ва уларнинг тавсифлари
4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.
5. Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш асослари
6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлиги таҳлили

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Кейс стади, ўқув лойиха.

5-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
2. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.
3. Саматов Л.А. Бизнес режа ва инвестиция лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. -220 б.
4. Попова В.М. Бизнес планирование. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2009. -816 с.

6-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари (2 соат)

1. Инфратузилма тушунчасининг моҳияти ва мазмуни
2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли
3. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни
4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш, улардан олинадиган солиқ турлари ва солиқ имтиёзлари
5. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида аудит ва аудиторлик тафтишини ўtkазиш

6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни ташкил этиш

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Инсерт техникаси, тоифали жадвал, кластер.

6-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Andrew P. Sage, William B. Rouse. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises.- USA: Wiley, 2011.
2. Asterios G. Kefalas. «Global Business Strategy A Systems Approach», Switzerland, 2008.
3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
4. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги 4725-сонли Президент Фармони.

7-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили (2 соат)

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тушунча
2. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар
3. Маҳсулот таннархи киритилмайдиган харажатлар.
4. Молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда заарлар
5. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуллари.
6. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Ўқув лойиха, концептуал жадвал.

7-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Paul W. Farris, Neil T. Bendle, Phillip E. Pfeifer, David J. Reibstein. Marketing Metrics. Second edition. 2010 by Pearson Education, Inc. p. 650.
2. Djalalova I.A., Tursunov R.T. Biznesni baxolash. Darslik. - Т.: Iqtisodiyot, 2011, 223 b.
3. Муратов Р.С, Джалолова И.А., Орипов С Корхона иқтисодиёти Дарслик Т.: Иқтисодиёт 2011 йил 565 б.

8-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар
2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредит билан таъминлаш шакллари
3. Кредит ставкасини аниқлаш

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги
5. Самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар
6. Самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Ўқув лойиха, кейс стади.

8-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.
2. Хасанов Б.А., Хошимов Б.А., Пардаева З.А. Бухгалтерия ҳисоби назарияси: Ўқув қўлланма. - Т.: Yangi nashr, 2011. -252 б.
3. Муратов Р.С, Джалолова И.А., Орипов С Корхона иқтисодиёти Дарслик Т.: Иқтисодиёт 2011 йил 565 б.
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.

9-мавзу. Тадбиркорлик этикаси ва маданияти (2 соат)

1. Тадбиркор раҳбар этикаси
2. Тадбиркор маданияти
3. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари
4. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуслари

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Пинборд техникаси, Ким ошди савдоси.

9-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.
2. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
3. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти.- Т.: “Академия”, 2003. 70 б.
4. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. -Т.: 2006. – 230 б.
5. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

10-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти ва экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши
2. Экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш

Қўлланиладиган педагогик технологиялар: Ақлий хужум, блиц сўров.

10-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Paul W. Farris, Neil T. Bendle, Phillip E. Pfeifer, David J. Reibstein. Marketing Metrics. Second edition. 2010 by Pearson Education, Inc. p. 650.
2. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
3. Р.Турсунов. Халқаро бизнес. Дарслик. ТДИУ, 2011 йил. 320 б.

11-мавзу. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари (2 соат)

1. Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ривожланиши
2. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий ривожланишидаги ролини ошириш.

Кўлланиладиган педагогик технологиялар: Инсерт техникаси, балиқ склети.

11-мавзу бўйича тавсия этилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2000 йил 25 май, 69-П-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуннинг 3-моддаси 2003 йил 11 декабрь
3. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.267 бет.
4. Jay A.Dewhurst. «Introduction to Business and business planning», USA, 2014.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат қўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ҳақида”ги ПФ-1754 Фармони 10 май 2012 й.
6. “Хусусий мулқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни тъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 15 майдаги 4725-сонли Президент Фармони.

МАВЗУЛАР БҮЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ ВА ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР

1-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Маъруза машгулоти

1.1.Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни

1.2.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий асослари

1.3.Кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар

1.4.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари

1.5. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни

1.6.Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Таянч иборалар: Тадбиркор, тадбиркорлик муҳити, бизнес.

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантириш-нинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришdir.

Хўш, «тадбиркор», «тадбиркорлик» тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машхур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

Америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характеристи қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик гоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

«Тадбиркорлик» тушунчаси тадбиркорнинг энциклопедик луғатида қуйидагича таърифланади:

Тадбиркорлик – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фрн. entreprenеur) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғуланиши мумкин.

1.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий асослари

Тадбиркорликнинг шаклланиши иқтисодий ва ижтимоий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Тадбиркорлик шаклланишининг иқтисодий шароитига ижтимоий шароит яқин туради. Ижтимоий шароит, аввало, ҳаридорларнинг диди ва модага жавоб бера оладиган товарларни сотиб олишга интилиши билан белгиланади. Турли босқичларда ушбу талаб ўзгариб туриши мумкин. Бунга ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ бўлган аҳлоқий ва диний меъёрлар жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу меъёрлар ҳаридорларнинг турмуш тарзига ва у орқали товарларга бўлган талабига бевосита таъсир этади. Ижтимоий шароит шахснинг ишга бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказади, бу эса, ўз навбатида, бизнес таклиф этаётган маошнинг миқдорига, меҳнат шароитига бўлган муносабатга таъсир этади.

АҚШнинг тадбиркорлик соҳасида кўп йиллар мобайнида қўллаб келаётган қонунлар тизими бунга мисол бўла олади. Улардан бир нечасига эътибор берайлик (1-жадвал)²:

1-жадвал.

АҚШда тадбиркорлик соҳасида узоқ йиллар мобайнида амал қилаётган қонунлар тизими

Қонунлар	Қонунларнинг асосий моҳияти
	2
Трестларга қарши Шерман қонуни (1890 й.)	а) монополия ёки монополиялаштиришни тақиқлаш; б) штатлараро ёки ташқи савдони чеклашга қаратилган турли хилдаги шартнома, келишув ва бирлашмаларни тақиқлаш.
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва медицина препараларининг сифатлилиги ҳақидаги қонун (1906 й.)	Штатлараро савдо-сотикқа қалбакилаштирилган ёки марка ёпиширилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, сотишни тақиқлаш. Бу қонун 1938 йилда озиқ-овқат, доридармон ва косметика воситалари ҳақидаги Федерал қонунига алмаштирилди. 1958 ва 1962 йилларда унга жиддий ўзгартиришлар киритилди.
Федерал савдо комиссияни таъсис этиш ҳақидаги қонун (1954 й.)	«Савдода рақобатнинг виждонсизлик услуги ноқонунийлиги» ни текширувчи идорани-комиссияни таъсис этишни назарда тутади.
Клейтон қонуни (1914 й.)	Амалий фаолиятнинг айрим турларини тақиқ етувчи Шерман Қонунига қўшимча киритилди (нархларни камситиш турларини аниқлаш, шартномага ҳамкор ҳаракатини чекловчи моддани киритиш, сотишнинг чеклаш тажрибасини қўллаш, бошқа корпорациялар акция-ларига эга бўлиш, қўшма директорат ташкил этиш).
Уилер Ли қонуни (1938 й.)	Рақобатга зарар келтириш ёки келтирмасликдан қатий назар нопок, фириб ҳаракат ва усусларни тақиқлаш; озиқ-овқат, доридармон рекламаси устидан Федерал савдо комиссиясининг назоратини таъсис этиш.

² Предпринимательство: Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, проф. Г.Б.Поляка, проф. В.А.Швандара. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 2001. 18-бет.

Товарнинг асллиги унинг ўрами ва маркасида акс этиши ҳақидаги қонун (1966.)	Кенг истеъмол товарлар ўрами ва маркалашига қоида жорий этилиши ўрам ичди нима борлигини, ишлаб чиқарган шахс номини ва ўрам ичидаги нарсанинг аниқ миқдорини кўрсатишни талаб қилади.
Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлишилиги ҳақидаги қонун (1972 й.)	Истеъмол товарларининг хавфсиз бўлиши билан боғлик муаммолар бўйича комиссия таъсис этилиши ва унга истеъмол товарларига нисбатан хавфсизлик стандартларини кўллаш ва ушбу стандартларга риоя қилмаслиги учун санкция қўллаш ваколати берилди.
1	2
Қарзларни вижданан ундириб олиш ҳақидаги қонун (1978 й.)	Қарзларни ундириб олишда одамларни кўрқитиш, таъқиб қилиш, аёвсизларча муносабатда бўлиш, тухмат қилиш ноқонуний деб эълон қилинди.

1.3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар

Ҳар қандай тадбиркорлик маълум бир ҳудудда: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади. Тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак.

Бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда тадбиркорлик муҳити асосан қуидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият туғдиради. Тадбиркорнинг ўз иши натижаларини олдиндан кўра билиши таваккаллик тушунчасига тескари ҳолда ифода этилади. Агар тадбиркор маълум бир муҳитда таваккалчилик асосида фаолият кўрсатаётган бўлса, у ҳолда у ўзгарувчанлик, барқарорсизлик, таваккалчилик билан тавсифланади. Бундай муҳит юқорида келтирилган ижобий муҳитга тўғри келмайди. Амалда кўп ҳолларда тадбиркорлик муҳитининг маълум бир омили тадбиркорнинг иш натижаларига асосий таъсир кўрсатади, деб бўлмайди. Чунки, тадбиркорни кўпроқ тадбиркорлик муҳитини белгиловчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қизиқтиради.

Ҳуқуқий омилнинг тавсифига «хуқуқий маданият» тушунчалиси ҳам киради. Бунинг остида миллатнинг қонунларга тўлиқ риоя қилиши, яъни инсонларнинг онгида қонунлар талабини бажариш керак деган тушунчанинг бўлиши тушунилади.

Сиёсий омил тадбиркорлик жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради.

Ижтимоий омил бошқаларга нисбатан ўзининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб ҳисобланади.

Агар тадбиркор уларни эътиборга олмаса, келгусида салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Қуйидагилар бу омилнинг асосий элементлари ҳисобланади:

- жамиятда мафкуранинг ҳолати;
- миллий урф-одатлар;
- миллатнинг маданий ва майший одатлари;
- атрофдаги кишиларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати;
- давлатнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати.

Иқтисодий омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси, ишлаб чиқариш жараёнинг тадбиркор томонидан жалб қилинаётган ишлаб чиқариш омиллари, ишчи кучи, кредит ставкаси миқдори ҳамда солиқ ва мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бунда бозордаги рақобат шарт-шароитлари сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқиласди.

1.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари

Мулкдор – моддий ва интеллектуал мулк обьектларига эга бўлган, уларни тасарруф этиш ва улардан ўз хоҳишига қаратиб, шу жумладан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга жисмоний шахсdir.

Мулкдорлар синфи уч гурухдан иборат:

- даромад келтирмайдиган ва шахсий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган мол-мулкка эга мулкдорлар;
- шахсий истеъмолга мўлжалланган мол-мулк билан бир қаторда, қўшимча тадбиркорлик даромади ёки киритилган сармоядан даромад олиш учун фойдаланиладиган активлар (сармоя)га эга ўрта мулкдорлар;
- йирик хусусий корхоналар, фирмаларга эга ва уларнинг фаолиятидан катта даромад оладиган йирик мулкдорлар.

Бу жамиятларнинг устав сармоясини ташкил қилишда иштирок этувчи улушлар, одатда, қуйидагича тақсимланади:

- давлат улушки;
- меҳнат жамоаси улушки;
- хорижий шерик улушки;
- фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бозорларида, шу жумладан, чет элда ҳам эркин сотиш учун ажратилган улушки.

Умуман олганда, Ўзбекистонда мулкдорлар синfinи шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай вазият вужудга келди. Ҳозирги вақтда жамиятимиз таркибида реал мулкка эга бўлган, уни қадрлаётган ва уларни ўз моддий фаровонлеклари учун асос қилиб олаётган кишиларнинг катта гурухи шаклланди. Ушбу ижтимоий қатламни янада мустаҳкамлаш давлатнинг иқтисодий қудрати ошишига, унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминланишига, демократик қадриятлар қарор топишига олиб келади.

1.5. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни

Bugungi kunda jahon axborot agentliklarini xabar berishlaricha, O'zbekiston Respublikasi keyingi yillarda tadbirkorlik faoliyati uchun ishbilarmonlik muhitini yaxshilash sohasida eng yaxshi natijalarga erishgan dunyodagi o'nta davlat qatoridan joy olgani qayd etilmoqda. Birgina 2015 yilda olib borilgan islohotlar natijasida yalpi ichki mahsulotimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi 2000-yildagi 31 foizdan, bugungi kunda 56,7 foizga yetgani yoki 1,8 barobar oshganini alohida ta'kidlash lozim. Hozirgi paytda ushbu sohada jami sanoat mahsulotlarining uchdan bir qismi, qishloq xo'jaligi mahsulotlarining 98 foizi ishlab chiqarilmoqda. Ish bilan band jami aholimizning 77 foizdan ortig'i mazkur tarmoqda mehnat qilayotgani, balki mamlakatimiz boyligiga boylik qo'shayotgani, avvalo, mustaqillik bizga ochib bergen imkoniyatlarning yaqqol isboti, desak bo'ladi

Mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi³ (foizda)

Ko'rsatkich nomi	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
------------------	------	------	------	------	------	------	------	------	------

³ www.stat.uz ma'lumotlar asosida muallif ishlanmasi.

Yalpi ichki mahsulotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi	31	38,2	45,5	52,5	54	54,6	55,8	56	56,7
---	----	------	------	------	----	------	------	----	------

Manba: O'zbekiston Respublikasining Davlat Statistika Qo'mitasining ma'lumotlari

1.6. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари

Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, халқ истеъмоли молларини, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

O'zbekiston iqtisodiyotining asoosiy soha va tarmoqlaridagi qo'shimcha o'sish sur'ati⁴(foizda)

Ko'rsatkichlar	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Sanoat mahsuloti	12,1	9,1	8,5	6,4	7,9	8,8	8,3	8
Qishloq xo'jaligi mahsuloti	6,1	5,8	6,9	6,6	7,0	6,8	6,9	7
Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar	25,8	24,8	8,7	3,8	12,7	10,1	10,9	9,5
Chakana savdo aylanmasi	15,5	19,3	13,6	17,1	13,9	14,8	14,3	15
Aholiga pullik xizmat ko'rsatish	6,5	5,8	6,6	6,8	7,0	13,5	15,7	10,8

Manba : O'zbekiston Respublikasining Davlat Statistika Qo'mitasi ma'lumotlari

Jadval ma'lumotlari asosida ko'rish mumkinki, 2015 yilda sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish 8 foizga, qishloq xo'jalik mahsulotlari 7 foizga, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmi 9,5 foizga, chakana savdo aylanmasi 15 foizga, aholiga pullik xizmatlar ko'rsatish hajmi ham 10,8 foizga ortgan.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Тадбиркорликнинг келиб чиқиш тарихи ва моҳияти тўғрисида гапириб беринг.
2. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши тўғрисида нималар дея оласиз?
3. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг қандай афзалликлари мавжуд?
4. Тадбиркорлик фаолиятининг хуқуқий асосини таъминловчи қонунларни биласиз? Изоҳланг.
5. Тадбиркорлик муҳитига қандай омиллар таъсир этади?
6. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
7. Мулкчилик шаклларига кўра корхоналарнинг неча тури мавжуд?
8. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш йўналишларини кўрсатиб беринг.
9. Давлатнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида қандай сиёсати амалга оширилади?

⁴ www.stat.uz ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlandi.

2-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Маъруза машгулоти

- 2.1. Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги**
- 2.2. Тижорат тадбиркорлиги**
- 2.3. Молиявий тадбиркорлик**
- 2.4. Маслаҳат тадбиркорлиги**
- 2.5. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари**

2.1.Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги

Ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг моҳияти. Тадбиркорлик фаолияти турлари нисбатан мустақил бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг устуворлигини тан олиш керак.

Инновацион, илмий-техник фаолият, товарларни бевосита ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва шу соҳадаги ахборот билан ишлаш фаолияти ишлаб чиқариш тадбиркорлигига киради. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир ишбилармон тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури билан шуғулланишини, қанақа маҳсулот ишлаб чиқаришини, қандай хизмат кўрсатишини олдиндан белгилаб олиши лозим. Шу иш амалга ошгандан кейин тадбиркор маркетинг билан шуғулланади. Товарга бўлган талабни билиш мақсадида у товарнинг потенциал истеъмолчилари, харидорлари, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқа қиласи. Музокаралар ишбилармон ва бўлажак харидорлар ўртасида шартнома тузилиши билан якунланади. Тузилган шартнома тадбиркорликдаги таваккалчиликнинг олдини олишга имкон беради. Шу ишлар амалга ошмаса, тадбиркор фақат оғзаки ваъдалар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини бошлайди. Шаклланган барқарор бозор шароитида ривожланган мамлакатларда оғзаки келишувлар ишончли кафолат бўлиб, керак бўлган ҳолларда шартнома, битим шаклида расмийлаштирилади. Бироқ, бизнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган даврда оғзаки битимларнинг кафолати паст ва таваккалчилик кучлидир.

Тадбиркорлик фаолиятининг кейинги босқичи ишлаб чиқариш омилларини сотиб олиш ёки ижарага олишдир.

2.2.Тижорат тадбиркорлиги

Тижорат тадбиркорлиги фаолияти товар биржалари ёки савдо ташкилотлари билан боғлиқ.

Товар биржаси – товар намуналари харидор томонидан олдиндан кўздан кечирилмаган ва товарларни минимал партияси белгиланган улгуржи товар бозорининг тури. Товар биржасида ўзаро келишилган ва риоя қилинган қоидалар асосида савдо операцияларини амалга ошириш учун тижорат воситалари ва уларнинг хизматчилари ўз хоҳишлари билан бирлашади. Ушбу биржанинг мақсади эркин рақобатнинг бошқариш механизмини ташкил қилиш ва шу орқали талаб ва таклифни хисобга олган ҳолда ҳақиқий бозор нархларини аниқлашдир. Товар биржаси стандартлар бўйича сотиладиган товарлар (дон, кўмир, металл, нефт, ёғоч)нинг доимо фаолият кўрсатувчи улгуржи савдо бозоридир. Шунга ўхшаш биржалар барча иқтисодий ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Мисол сифатида Лондон (рангли металл), Ливерпул (пахта), Сингапур (каучук) ва бошқа товар биржаларини кўрсатиш мумкин.

2.3.Молиявий тадбиркорлик

Тижорат банклари ва фонд биржалари молиявий тадбиркорлик учун фаолият кўрсатувчи мақом бўлиб хизмат қиласи.

Тижорат банки – акциядор турдаги молиявий-кредит муассасаси бўлиб, асосан пул омонатларини (депозитларни) қабул қилувчи ва мижоз кўрсатмаси билан бошқа ҳисобкитоб операцияларни амалга оширувчи тижорат ташкилотларига пулли хизмат кўрсатади. Тижорат банкларининг даромад манбаи депозит (жалб этилган) ва ссуда маблағлари ўртасидаги фарқлардан шаклланади.

Фонд биржаси. Молиявий тадбиркорликнинг элементларидан яна бири фонд биржасидир. Капиталнинг кўпайиши, активларнинг ҳақиқий нархини аниқлашга қаратилган қимматбаҳо қофозлар бозорига фонд биржаси дейилади. Фонд биржасининг фаолият тамойили талаб ва таклифни тезкор тартиблаштиришдан иборатdir. Фонд биржаларида қимматбаҳо қофозларнинг копировкаси ўтказилади.

2.4.Маслаҳат тадбиркорлиги.

Маслаҳат хизматларининг моҳияти ва босқичлари. Маълум бир соҳада ўз мутахассислиги бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи кишига маслаҳатчи дейилади. Чет элларда бошқарув бўйича пулли маслаҳат консалтинг деб юритилади. Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича Европа Федерацияси Маслаҳатчилар Ассоциациясининг таърифича менежмент-консалтинг бошқарув бўйича муаммо ва имкониятларни аниқлаш, уларга баҳо бериш, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда холисона маслаҳат бериш ҳамда ёрдам кўрсатишидир.

Маслаҳат услублари. Маслаҳат услублари турли хил бўлиши мумкин. Маслаҳатнинг уч тури – экспертли, жараён ва ўргатувчи маслаҳатлар кенг қўлланилади.

Экспертли маслаҳат – консалтингнинг энг пассив шаклидир. Маслаҳатнинг бу турида маслаҳатчи диагностика, қарор қилиш ва уларни жорий этишни мустақил равишда амалга оширади. Мижоз эса бундай ҳолларда маслаҳатчига керакли ахборот етказиб бериши зарур бўлади.

Жараён маслаҳатида – лойиҳани ишлаб чиқиш босқичларида консалтинг фирма маслаҳатчилари мижоз билан фаол иш олиб бориб, юзага келган муаммоларни ҳамкорлиқда таҳлил қиласида ва керакли таклифлар беради.

Ўргатувчи маслаҳатида – мутахассисларнинг асосий мақсади ғояларнинг юзага келиши, ечимлар қабул қилиш учун асос тайёрлашдир. Шу мақсадда мижозлар учун маърузалар ўқилади, семинарлар ўтказилади, ўкув қўлланмалари ишлаб чиқилади. Умуман олганда мижозлар керакли назарий ва амалий ахборотлар билан таъминланади. Амалда эса юқоридаги ҳар бир маслаҳат турлари соғ ҳолда қўлланилмайди, улар комбинациялашган шаклда учрайди.

2.5.Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари

Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасига биноан тадбиркорликнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- якка тартибдаги тадбиркорлик;
- хусусий тадбиркорлик;
- жамоа тадбиркорлиги;
- аралаш тадбиркорлик.


Якка тартибдаги тадбиркорлик – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг оддий шакли бўлиб, уни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом» билан белгиланади. Ушбу низомга мувофиқ якка тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилмай амалга ошириши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркорлар одатда майдада ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Жамоа тадбиркорлиги – бу бир гурху фуқароларнинг ўзларига маъкул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил қилишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлариdir.

Жамоа тадбиркорлиги фаолияти фирмалар фаолиятида ўз ифодасини топади. Фирма – муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган, бозордаги талаб ва таклифга қараб иш тутадиган, иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил корхонадир.

Фирмаларнинг турлари жуда кўп, уларни чизмада қуйидагича тасвиirlаш мумкин



1-расм.Фирма (корхона) ларнинг турлари

Хусусий фирма деганда айрим шахс ёки оиласа тегишли бўлган, якка хусусий мулкка асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона тушунилади.

Назорат ва мұхокама учун саволлар

1. Тадбиркорликнинг қандай турларини биласиз?
2. Ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг моҳияти нимадан иборат?
3. Тижорат тадбиркорлигининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Молиявий тадбиркорликнинг фаолият моҳияти нимадан иборат?
5. Консалтинг нима? Унинг истиқболи ҳақида гапириб беринг.
6. Тадбиркорликнинг қандай шаклларини биласиз?
7. Якка тадбиркорлик нима? У қандай турларга бўлинади?
8. Хусусий тадбиркорлик якка тадбиркорликдан нима билан фарқ қиласди.
9. Акциядорлик жамиятлари қандай турларга бўлинади?
10. Холдинг компаниялари фаолияти тўғрисида гапириб беринг?
11. Қандай корхоналар инжиниринг корхона хисобланади, уларнинг асосий фаолияти нималардан иборат?

3-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Маъруза машгулоти

- 3.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**
- 3.2. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш тартиби**
- 3.3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби**
- 3.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари**
- 3.5. Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарнинг бошқарув услуби**

3.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш бир неча босқичдан иборат. Ушбу босқичларнинг кетма-кетлиги 1-расмда акс эттирилган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш тартиби

Таъсисчилар таркибини аниқлаш ва таъсис хужжатлари-ни ишлаб чиқиши	Корхонани ташкил этиш ва унинг фаолияти ҳақида таъсисчилар томонидан шартнома шартнома тузиш	Корхона низомини тасдиқлаш ва баённомани расмийлаштириши	Банкда вақтингча ҳисоб рақамини очиш	Корхонани рўйхатдан ўтказиш
Давлат реестрига киритиш учун корхона ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш	Корхона иштирокчи-лари омонатларини банкка тўла киритиши	Банкда доимий ҳисоб рақамини очиш	Корхонани туман солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш	Думалоқ мухр ва бурчакли штамп тайёрлашга руҳсатнома олиш ва уларни тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 40-сон, 516-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилинлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли [Фармонининг](#) ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида:

1. Туман (шаҳар) ҳокимлари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» (кейинги ўринларда «ягона дарча» марказлари) тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилсин.

Бунда, вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд «ягона дарча» хизматларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилади.

2. «Ягона дарча» марказларининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:
«ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффоффликни таъминлаш;

тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишида бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш.

3.2. Кичик бизнес субъектларини банк, солик ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш тартиби

Банкда ҳисоб рақами очиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- корхона раҳбарининг аризаси;
- ҳокимият тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари;
- нотариус тасдиқлаган имзо намуналари;
- муҳр ва тамға билан тасдиқланган карточкалар;
- ҳокимиятнинг маҳаллий кенгаши корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма ёки нотариус тасдиқлаган маълумотнома;
- солик органидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотнома.

3.3. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун давлат томонидан вакил қилинган органлардан лицензия олгандан кейингина ижозат берилади.

Лицензия берувчи органлар

Лицензия берувчи органлар	Фаолият тuri
Вазирлар Маҳкамаси	-ракета-космик мажмуи; -алоқа тизимлари; -қимматбаҳо металлар; -қимматбаҳо тошлар қазиб олиш; -қимматбаҳо тошлар ва металлардан заргарлик буюмлари ясаш; -ҳаво таранспорти ва бошқа фаолият турлари.
Адлия вазирлиги	-юридик шахсларнинг юридик фаолият билан шуғулланишга, масалан, адвокатлик маслаҳати, нотариал идора ва бошқалар.
Молия вазирлиги	-қимматли қоғозларни чиқариш; -лотерея ўйинларини ўтказиш ва бошқалар.
Марказий банк	-валюта қийматликлари билан операциялар ўтказиш; -тижорат банклари очиш ва бошқалар.

Ички ишлар вазирлиги	-овчиллик ва спорт ўқотар қуроллари ва уларга ўқ-дорилар ишлаб чиқариш, тузатиш ва сотиш; -совуқ қуроллар ишлаб чиқариш ва сотиш; -таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни экиш, қайta ишлаш ва сотиш; -наркотик моддалар тайёрлаш, сотиш ва бошқалар.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш; -тиббий хизмат кўрсатиш; -парфюмерия ва косметика буюмлари, майший кимё товарларини тайёрлаш ва бошқалар.
Халқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари	-соғломлаштириш ва болалар, ўсмиirlар ҳамда ёшлар лагерларини ташкил қилиш; -хусусий ўқув муассасаларини очиш ва бошқалар.
Ўзбекистон почта ва телекоммуни-кациялар агентлиги	Алоқа хизмати кўрсатиш.

3.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқаруви ташкилий тузилмаларининг қўйидаги турлари мавжуд.



3.5. Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарнинг бошқарув услуби

Раҳбарнинг бошқарув услуби деганда, бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларини ҳал қилиш усуллари мажмуй тушунилади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарликнинг қўйидаги бошқа-рув услубларидан фойдаланилади:

1. Хўжалик ишларидаги камчиликларга муросасиз бўлиш.
2. Жамоа ва унинг ҳар бир ходими тўғрисида қайғуриш.
3. Юқори маданиятли бошқарувнинг ташкил қилиш.
4. Раҳбарнинг янгиликни ҳис этиш қобилияти.

Кичик бизнес фаолиятини бошқаришнинг бир неча погоналари мавжуд. Уларга икки погонали, уч погонали ва кўп погонали бошқарувни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кичик бизнес фаолиятини бошқаришда жаҳон амалиётидан олинган ва энг самаралиси ҳисобланган икки погонали усул, яъни раҳбар-бажарувчи усулидан кенг фойдаланилади.

Бу усулнинг самараси унинг оддийлигига, бажарувчи ва раҳбар ўртасидаги муносабатларни тўғридан-тўғри боғланганлигидадир. Бу ерда назоратнинг юқори самарасига эришилади. Погоналар сони ортиб борган сари бошқарув самараси камайиб боради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бошқарувнинг ташкилий структураси нима?
2. Бошқарув бўғини ва босқичлари тўғрисида сўзланг.
3. Корхонада самарали бошқарув деганда нимани тушунасиз?
4. Чизиқли (поғонали) тузилманинг моҳияти нимада?
5. Чизиқли-штабли тузилма нима?
6. Функционал тузилманинг ўзига хос хусусияти нимада?
7. Дастурли-мақсадли тузилманинг моҳияти нимада?
8. Матрицали тузилма нима?
9. Бошқарув тузилмаларининг ўзаро фарқи нимада?
10. Раҳбарнинг бошқарув услуби деганда нимани тушунасиз?
11. Кичик бизнес ва тадбиркорликда раҳбарликнинг қандай бошқарув услубларидан фойдаланилади?

4-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маъруза машгулоти

- 4.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти**
- 4.2. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари**
- 4.3. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги**
- 4.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш.**
- 4.5. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш**
- 4.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиши**

4.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида қарор қабул қилиш ва уни ишлаб чиқиша кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарали воситаси ҳамда асоси бўлиб маркетинг ҳисобланади. Маркетинг элементларининг пайдо 17 асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Бу давргача товарларни натурал айирбошлишни турли шакллари пайдо бўлади, кейинчалик маркетинг фаолиятини биринчи элементлари, яъни реклама, нарх, сотиш кабиларни ривожланиши кузатилди.

Маркетинг тушунчаси бозор соҳасини ҳар қандай фаолияти билан боғлиқdir, шу боис маркетинг сўзини таржимаси ва келиб чиқиши келтирилади (инг. Маркет – бозор, инг – фоол, фаолият, ҳаракат маъносини англатади).

Маркетинг бу нафакат фалсафа, фикрлаш тарзи ва иқтисодий тафаккур йўналиши, аммо айрим фирма, компания, тармоқ ва бутун иқтисодиёт бўйича амалиёт фаолияти ҳамdir.

Қўйида маркетингнинг асосий категориялари берилган.

Мухтожлик – кишини бирон бир нарсани этишмаслигини ҳис этишидир.

Эҳтиёж – индивид шахснинг маданий даражасига асосан маҳсус шаклга мухтожлиқdir.

Талаб – бу харид қувватига эга бўлган эҳтиёж.

Товар – бу эҳтиёжни ёки мухтожлиknи қондира оладиган ҳамда бозорга эътиборни тортиш, сотиб олиш, ишлатиш ёки истеъмол қилиш мақсадида таклиф этилган барча нарсалардир.

Маркетинг қўйидагиларни ўргатади:

- бозорни ўрганишни;
- уни тақсимлашни;
- товарларни жойлаштиришни;
- маркетинг сиёсатини олиб боришни;
- товар сиёсатини;
- нарх сиёсатини;
- тақсимот сиёсатини;
- силжитиш (йўналтириш) сиёсатини;
- юксалиш, қўшимча хизматларни (Plus) - (бунга марка, сотишдан кейинги хизмат, кафолат ва техник ёрдам, етказиб бериш, ассортимент, шахсий истеъмол ва бошқаларни киритиш мумкин).

4.2. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Бозорни сегментлаш орқали, хўжалик юритувчи субъект қўйидаги мақсадларни кўзлади:

- истеъмолчиларни ҳохиш ва талабини максимал равишda ҳисобга олиш;
- товарни (хизматни) ва хўжалик юритувчи субъектни рақобатбардошлигини таъминлаш;

- хўжалик юритувчи субъектни ҳаражатларини оптималлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектни маркетинг стратегиясини самарадорлигини ошириш;
- рақобатчилардан холис бўлган сегментларга кетиш.

Сегментлашнинг асосий мақсади бозордаги хатти-ҳаракатларни ўрганиб, уларнинг образини (моделини) ва келажақдаги эҳтиёж талабларни тасаввур қилишдан иборат.

Макросегментлаш бозорларни худудлар, мамлакатлар бўйича уларнинг саноатлашувига қараб бўлишни кўзда тутади.

Микросегментлаш эса бир мамлакат истеъмолчиларини янада батафсироқ мезонлар бўйича гурухларга бўлади.

Бозор сегментациясининг тамойиллари қўйидагилардир:

- Географик тамойил;
- Психографик тамойил;
- Демографик тамойил;
- Хулқ-автор тамойили;
- Холат тамойили.

Географик тамойил орқали бозорни жойлашуви, аҳолининг сони ва зичлиги, тижорат фаолиятининг тузилиши, регионни ривожлани динамикаси, инфляция даражаси, хукукий чеклашлар ҳисобга олинади.

Психографик тамойил натижасида ҳаёт тарзи, шахснинг типи, жамоат ҳолати каби ҳисобга олинниб, турмуш тарзи шахснинг ўз фаолиятида, қизиқишиларида, катъиятида ва эътиқодларида ўз аксини топади. Шахснинг тури эса ҳаётдан мамнун, меланхолик, ўзгалардек иш курувчи, ўзбилармон ва бошқа ҳислатларда бўлиши мумкин.

Демографик тамойилларда оилани сони ва сифат таркиби, оиланинг ҳаётйлик цикли босқичи, даромадлилик даражаси, машғулот тури, маълумоти, миллати кабилар инобатга олинади ҳамда бозор сегментациясининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Хулқ-автор тамойили орқали харид қилишга йўл, фойдаланувчи мақоми, истеъмол жадаллиги, боғланиб қолиш даражаси, товар ҳақида маълумот бериш, товарга бўлган муносабати ҳисобга олинади.

4.3.Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги

Бизнесда ҳар қандай ўсишнинг турли хил кўринишлари ва эҳтиёжлари хизмат рўйхати бўйича вақти-вақти билан ўз-ўзига танқидий баҳо бериш назаридан кўриб чиқилиши, нима мақсадда амал қилаётганидан эгаллаб турган ҳолатини аудитдан ўтказиш керак. Шунга мувофиқ уларнинг:

- Strengths (кучли томонлари);
- Weakness (кучсиз томонлари);
- Opportunities (имкониятлари);
- Threats (хавф-хатарлари) бозорда эгаллаб турган жойи кўринишини айтиш мумкин

Пухта стратегияга эга бўлганлар барча мақсадлари, контекстлари ва бизнес сиёсатида барча элементларни SWOT билан уйғунлаштириш учун имконият излайдилар.

Бозордаги истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ тадқиқ қилиб бўлгандан кейин эса бозор муҳитидаги қўйидаги омилларни ривожлантириш орқали мақсадга эришиш мумкин:

- сотиш стратегияси;
- истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш режаси;
- тадбиркорлик фаолиятининг молиявий аҳволи режаси;
- маҳсулотларни ва хизматларни еткаиб бериш режаси;
- тарғибот ва ташвиқот режаси;
- қадоқлашни тўғри амалга ошириш;
- бозорга кириб бориш режаси.

4.4.Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш.

Реклама инглиз тилидан олинган бўлиб “қичқирмоқ” маъносини англатади. Реклама фаолияти инсоният тарихида олди-берди жараёнларининг бошланиши билан таркиб топган десак нотўғри бўлмас.

Рекламанинг бозордаги сотув ва харидорлар ҳамда товар ва хизматлар бўйича кескин рақобатчилар билан алоқаси қўйидаги тушунчани шакллантиради. “Реклама-реклама берувчи томонидан тарқатилган маълумотларнинг ҳар хил матнларини, у фойдаланган таҳлил ёки бошқа воситалардан қатъий назар, шу жумладан, босма, нашр қилиш йўли билан, эфирга узатиш орқали истеъмолчиларни оммавий ўрганиш, фойдаланиш ёки етказиш мақсадида учинчи шахсларга нисбатан реклама берувчи тўғрисида унинг товарлари, уларнинг хусусият, ишлаб чиқариш шароитлари ва бошқа ҳолатлар тўғрисида, шу мақсадларнинг реклама берувчи, унинг товарларга бўлган қизиқишини шакллантиришга ёки ушлаб туришга хизмат қилувчи, бозорда уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган харакатдир.

Тадбиркорнинг реал молиявий имкониятлари ва реклама компаниялари ўтказиш тажрибаси режалаштирилаётган маркетинг мақсадларига эришиш учун унинг имидж рекламаси ва сиз эътибор берган товар рекламасини ушлаб туриш учун тавсия этилади.

Реклама воситаларининг танланиши, реклама мақсадларига тўғри келиши керак;

1. Рекламани факат унинг самарадорлигини текширган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш лозим;
2. Реклама самарадорилгинин сотишнинг ўсиши билан айниқса нархлар ўсиши ёки пасайиши, иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши кузатилаётган шароитда ўлчаб бўлмайди;
3. Рекламани жойлаштириш мумкин қачонки потенциал мижозларингизни нимани кўриши, ўқиши ва қаерга боришини билсангиз;
4. Газета, радио, телевидения орқали тарқатилган бир марталик реклама самара бермайди;
5. Истеъмолчиларингиз кимлигини билмай реклама қилиш – пулни нотўғри ва мақсадсиз совуришдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун рекламанинг қўйидаги турларидан фойдаланиш мумкин:

- кўргазма рекламалари;
- матбуотдаги реклама;
- босма рекламалар;
- плакат-графика рекламалари;
- кино рекламалари;
- радио рекламалари;
- ёритиш рекламалари.

4.5. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш

Маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, ҳамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни хал қилишга қаратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган ҳолда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг қўйидаги муҳим вазифаларни хал этмоғи лозим:

- харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш;
- товарларга бўлган ички ва ташки талабларни ўрганиш;
- корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;
- талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;

- товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ошириш;
 - товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар туплаш ва таҳлил қилиш;
 - товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;
 - тулдирувчи товарлар ва урнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш;
- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатdir.

4.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш

Маркетинг дастурларини ишлаб чиқиша мақсадли ёндашиш услугига асосан корхонанинг мўлжалланган мақсадига эришиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ресурслари ва тадбирлари тизими шакллантирилади.

Корхона (фирма)нинг маркетинг дастури (бизнес режаси) таркиби қўйидагичадир:

1. Корхонанинг имкониятлари таҳлили (холатли таҳлил).

Фаолияти, шарт-шароитлари ресурслари, самарали натижага эришиш йўналишлари. Корхонанинг ички ва ташқи муҳитларини солиштириши.

2. Ривожланиш мақсадларини аниқлаш.(Маркетинг синтези).

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишнинг устувор мақсадлари ва бозорда фойдага эришиш йўлларини аниқлаш.

3. Стратегияни ишлаб чиқиш.

Корхонанинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишни кўзлаган узоқ муддатли мақсадни аниқлаш (бозор сегментларини, маркетинг воситасини, бозорга кириш вақтини ва бошқаларни танлаш).

4. Режани ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш, молия, баҳо, кадрлар, реклама, сотиш ва бошқаларни амалга ошириш харажатлари ва натижаларини режалаштириш тизими.

5. Назорат қилиш.

Стратегик назорат (танланган тамойилни аниқ бозор холатига тўғри келиш). Йиллик назорат (режадаги тадбирлар ва харажатларнинг бажарилиши), фойда олиш даражаси назорати.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар:

1. Маркетинг тушунчасини мазмуни нимадан иборат?
2. Маркетинг тушунчасини тадбиркорлик тушунчаси билан боғлиқлиги ва фарқи нимадан иборат?
3. Маркетингни мақсади нимадан иборат?
4. Маркетингни мақсади нимада?
5. Бозорни сегментлаш деганда нимани тушунасиз?
6. Бозорисегментлашни қандай турларини биласиз?
7. Мақсадли сегментни танлаш деганда нимани тушунасиз?
8. Маркетинг тадқиқотлари қандай ташкил этилади?
9. Маркетинг тадқиқотларининг қандай турларини биласиз?
10. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг дастурини ишлаб чиқиш кетма-кетлиги нимадан иборат?

5-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Маъруза машгулоти

- 5.1.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифлари**
- 5.2.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда бизнес режанинг аҳамияти.**
- 5.3.Бизнес режанинг асосий бўлимлари ва уларнинг тавсифлари**
- 5.4.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.**
- 5.5.Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш асослари**
- 5.6.Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлиги таҳлили**

5.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари

Техник-иктисодий асослаш. Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ корхонани ташкил қилишда корхонанинг техник-иктисодий асосланишини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Техник-иктисодий асослашга қўйидагиларни киритиш лозим:

1. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарларга бўлган талабни таҳлил қилиш.
2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:
 - а) талаб қилинувчи конструкторлик, технологик ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги;
 - б) ишлаб чиқариш дастури;
 - в) дастурни бажариш зарур бўладиган машина, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг мавжудлиги;
 - г) ишлаб чиқариш кувватлари мавжудлиги ёки уларнинг лойихаси;
 - д) асосий ишлаб чиқариш фондларининг мавжудлиги;
 - е) айrim турдаги маҳсулот ёки хизматларнинг самарадорлиги;
 - ё) амортизация тўловларининг миқдори.
3. Молиявий кўрсаткичлар:
 - а) маҳсулот сотишдан ёки хизмат кўрсатишдан олиниши мўлжалланган даромад;
 - б) моддий ва унга тенглаштирилган бошқа сарф-харажатлар;
 - в) бюджетга ўтказиладиган тўловлар;
 - г) соф даромад;
 - д) иш ҳақи жамғармаси;
 - г) ташкил этилаётган бошқа жамғармалар миқдори.
4. Ижтимоий кўрсаткичлар:
 - а) ишчиларнинг тахминий сони;
 - б) кутилаётган иш ҳақи миқдори;
 - в) бир ишчига тўғри келаётган сотиш миқдори;
 - г) ногиронлар ва пенсионерлар меҳнатидан фойдаланиш имконияти.

5.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда бизнес режанинг аҳамияти

Бизнес-режанинг мазмуни. Корхона фаолиятини муваффақиятли олиб борища бизнесс-режа муҳим рол ўйнайди. Бизнес-режанинг тузилиши ва мазмуни қатиян чегараланмаган. Бизнинг фикримизча, етти бўлимдан иборат бизнес-режа энг мақбулдир.

Бизнеснинг таърифи. Фирманинг миқдорий кўрсаткичларини, ташкилий-хукукий шаклини, жойини, манзилини, ишловчилар сонини кўрсатиш лозим. Ишлаб чиқарилмоқчи ёки

бажарилмоқчи бўлган товар ва хизматларни, корхонанинг қисқача тарихини, истиқболини, маркетинг ҳудудини, истеъмолчи ва таъминотчиларни кўрсатиш лозим.

Бошқарув. Хар бир мулк эгалари ва корхонанинг бошқа бошқарувчиларининг маълумоти, тажрибаси ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

Корхонанинг молиявий истиқболи ва кўрсаткичлари. Агар корхона янги ташкил этилган бўлса, унда корхона эгасининг шахсий капиталини кўрсатиш, режали баланс тузиш, истиқболини баҳолаш келтирилиши лозим. Шу билан бирга кутилмаган сарф-харажатлар учун муайян маблағларни ажратиб қўйиш керак. Агар корхона жамоаси ҳаракатда бўлса, унда охириг икки-уч йил ичидаги даромад ва заарлар ҳақида балансли ҳисботни ва бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотни тақдим этиш лозим.

Кўрсатилган бешта бўлим учун 11 ёрдамчи шакл тузилади.

1-шакл. Заём олиш учун берилган аризанинг мақсади ва унинг асосланиши.

2-шакл. Шахсий молиявий декларация.

3-шакл. Корхонанинг батафсил таърифи.

4-шакл. Бозорнинг таҳлили.

5-шакл. Рақобатчилар.

6-шакл. Корхонанинг жойлаштирилиши.

7-шакл. Корхонанинг ишчилари.

8-шакл. Бошқарув.

9-шакл. Ташкил этилаётган ёки кенгайтирилаётган корхона учун молиявий маълумот.

10-шакл. Ҳаракатдаги корхонани сотиб олиш учун молиявий маълумот.

11-шакл. Раҳбар учун қисқача хуроса.

5.3. Бизнес режанинг асосий бўлимлари ва уларнинг тавсифлари

Биринчи бўлим. Бизнес-режада «Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади ва вазифалари» марказий ўринни эгаллади.

Тадбиркорлик бизнесининг асосий мақсади фойда олишdir. Режалаштирилаётган битимни амалга ошириш олдидан катта маблағ ишлатишни ва шу маблағ қанча фойда келтиришини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш лозим. Бунда ва умуман, бизнес-режа тузищда вақт омилини доимо ҳисобга олиш керак. Бошқача қилиб айтганда, келадиган фойда вақтга қараб қандай тақсимланади ва инфляцияга нисбатан унинг самарадорлиги қандай бўлишларини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш лозим.

Иккинчи бўлим. «Бизнес-режанинг умумий хуросаси, асосий параметрлари ва кўрсаткичлари» умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, бизнес-режанинг асосий ғоя ва мазмунининг қисқача кўринишидир. У режани ишлаб чиқиш жараёнида яратилиб, аниқланади ва бизнес-режани тузгандан кейин якунланади.

Учинчи бўлим. «Тадбиркорнинг истеъмолчига тақдим қилаётган маҳсулот, товар ва хизматларнинг тавсифи» деб номланиб, унда қуйидагилар тақдим этилади: тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотнинг кўрсаткичлари ёки унинг тавсифи: таърифи, модели, сурати ва бошқалар; ишбилармон ишлаб чиқарган товар истеъмолчилари ва у қониқтиromoқчи бўлган истеъмоллар (ҳаридорнинг товарни сотиб олишга қодирлиги ҳақида башорат; товар сотиб олуви ҳудуд, аҳоли гурухи, ташкилотлар ҳақида маълумот; товарларни маълум вақт доирасида истеъмол қилиши ҳақида маълумот, товарга бўлган талабга таъсир етувчи омиллар); ишлаб чиқарилган товарнинг сотиш нархини башорат қилиш.

Тўртинчи бўлим. «Бозор конъюнктураси, талаб ва сотув ҳажми-нинг таҳлили» бўлимида талабни ўрганиш ва нархларни башорат қилишнинг давоми бўлиб, бу бўлимда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва товарнинг сотилишини вақт мобайнида белгилаб берилади.

Бешинчи бўлим. «Ҳаракат дастури ва ташкилий чора-тадбирлар» бўлиб, бу бўлимининг мазмуни аксарият ҳолларда тадбиркорлик турига (ишлаб чиқариш, тижорат, молия) боғлиқ. Ишбилармонлик ҳаракат дастури қуйидагиларни ўз ичига олади: а) маркетинг ҳаракатлари (реклама, сотиш бозорини аниқлаш, истеъмолчилар билан алоқа боғлаш, уларнинг талабини ҳисобга олиш); б) маҳсулотни ишлаб чиқариш; в) товарларни сотиб

олиш, сақлаш, ташиш, сотиш (асосан, тижорат тадбиркорлигига оид); г) товарни сотиш жараёнида ва сотгандан кейин ҳаридорга хизмат кўрсатиши.

Олтинчи бўлим. «Битимнинг ресурсли таъминоти». Бу бўлимда тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун керак бўлган ресурслар тури ва ҳажми, ресурсларни олиш манбаи ва услуги ҳақида маълумотлар берилади.

Еттинчи бўлим. «Битимнинг самарадорлиги». Бу бўлим бизнес-режанинг якунловчи қисми бўлиб, унда тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг умумий тафсилоти берилади. Самарадорликнинг умумий кўрсаткичлари орасида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари устувор мавқега эга.

Соф жорий қиймат баъзида иқтисодий интеграл самара деб ҳам аталади. Лойиҳани амалга ошириш вақтида маҳсулот сотищдан олинган умумий даромаддан шу вақт даврида кетган барча сарф-харажатлар айирмасига соф жорий қиймат дейилади.

Рентабеллик фойданинг капитал қўйилмаларга ёки акционер капиталига нисбати шаклида аниқланади. Тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда рентабеллик ҳар бир йилга ҳисоблаб чиқилади. Бу ерда солиқлар ҳисобга олинади.

5.4.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари.

Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни амалга оширади. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сарф қилинган моддий ресурслар (асосий воситалар эскириши, хом-ашё ва материаллар, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа) ва жонли меҳнат сарфи ишлаб чиқариш харажатларини ташкил қиласди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларини қуидагича туркумлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокига кўра:
 - ишлаб чиқариш ҳаражатлари;
 - ноишлаб чиқариш ҳаражатлари.
2. Ишлаб чиқаришда сарф этиладиган ресурслар манбаига кўра:
 - ички ҳаражатлар;
 - ташқи ҳаражатлар.
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатай:
 - доимий ҳаражатлар;
 - ўзгарувчан ҳаражатлар.
4. Маҳсулот таннархига олиб борилиши жиҳатидан:
 - бевосита ҳаражатлар;
 - билвосита ҳаражатлар.
5. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган:
 - маҳсулот таннархига киритиладиган ҳаражатлар;
 - давр ҳаражатлари;
 - молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар;
 - фавқулодда заарлар.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириш билан боғлиқ қуидаги ҳаражатлардан ташкил топади:

- бевосита моддий материал ҳаражатлари;
- бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли устама ҳаражатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳаражат турлари ноишлаб чиқариш ҳаражатлари деб юритилади.

5.5.Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш асослари

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотлар фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади. Сарфланган маблағларни қайтариш, қоплаш муддати қанчалик узок бўлса, бу хавф даражаси

ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх-наволар ҳам, иш ҳақи тўловлари ҳам зимдан ошиб боради.

Мисол тариқасида, «Жаҳонгир» кичик корхонасининг маблағ билан таъминланиш ва уни ўзлаштириш тартибини кўриб чиқамиз. Корхона ихтиёрида ўзлаштириш учун 120 минг сўмлик хом ашё ресурслари ва тайёр маҳсулотлар мавжуд. Мазкур ресурслардан фойдаланиш натижасида корхона 35 минг сўм даромад олишни кўзда тутмоқда. Шу аснода корхона ривожланиш фондидан ажратилган пуллар ва банқдан олинган кредитларни 4 йилдан кечиктирмасдан қайтариши режалаш-тирилган. Хўш, ушбу лойиха талабни қондира оладими?

Бунинг учун қуидаги ҳисоб-китобларни амалга оширамиз.

Корхона харажатларини қоплаш муддати қуидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Харажатларни} \quad = \frac{\text{Бошланғич инвестициялар}}{\text{Ҳар йилги пул даромадлари}} = \frac{120000}{35000} = 3,4 \text{йил} \quad (1)$$

5.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлиги таҳлили

Пулларнинг ёки сарфланган маблағларнинг бугунги ва кечаги қийматлари ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш учун инвестицияларнинг қопланиши ҳисоб-китоб қилинаётганда келгусидаги даромадлар дисконтлаш коэффициентларига кўпайтирилади. Дисконт коэффициентлари қуидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_d = 1 / 1 + K^*T; \quad (2)$$

бу ерда, K_d – дисконт коэффициенти ёки пул қийматининг ўзгариш суръати (одатда, банк кредитлари бўйича ўртача фоиз даражасида қўлланилади);

K – фоиз ставкаси, %;

T – инвестиция ажратилгандан бошлаб ўтган вақт, йил;

Мавжуд барча инвестициялаш вариантларини инвестицияларнинг фойдалилик даражаларини аниқлаш орқали ўрганиб чиқиш тавсия этилади. Фойдалилик кўрсаткичи сифатида фойдалилик коэффициенти деб аталувчи катталикдан фойдаланиш мумкин. У қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Фойдалилик} \quad = \frac{\text{Кўзда тутилган даромадлар суммаси}}{\text{Кўзда тутилмаган харажатлар суммаси}} \quad (3)$$

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Янги корхона ташкил қилиш қандай босқичлардан иборат?
2. Ташкил этилмоқчи бўлган шахсий корхоналарнинг қандай турларини биласиз?
3. Ташкил этилаётган корхонанинг техник-иқтисодий асосла-ниши (ТИА) нималардан иборат?
4. Бизнес-режа нима? Унинг мазмунини очиб беринг.
5. Бизнес-режанинг тузилиши қандай, у қандай бўлимлардан иборат?
6. Ташкил этилмоқчи бўлган корхонанинг ишлаш ва бошқа-рув тизими нималардан иборат?
7. Корхонанинг бошқарув тамойиллари нималардан иборат?
8. Франчайзингнинг устуворлик ва камчиликлари нимада?
9. Фойдалилик коэффициенти қандай аниқланади?
10. Кичик корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишни изохлаб беринг.

6-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ

Маъруза машгулоти

- 6.1.Инфратузилма тушунчасининг моҳияти ва мазмуни**
- 6.2.Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли**
- 6.3.Инқизорзга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни**
- 6.4.Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш, улардан олинадиган солиқ турлари ва солиқ имтиёzlари**
- 6.5.Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида аудит ва аудиторлик тафтишини ўтказиш**
- 6.6.Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни ташкил этиш**

6.1. Инфратузилма тушунчасининг моҳияти ва мазмуни

“Инфратузилма” сўзи лотин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қўйидаги изоҳ қўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараённида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлик.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлик бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Бизнес-мактаб – тадбиркорларни, кичик корхоналарнинг раҳбарларини, кичик корхоналар учун мутахассисларни, ишсизларни, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқароларни, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул бўлган хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

Ўқув-амалий марказлари – кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

Бизнес-инкубаторлар – маҳсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларида жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк – ўз худудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Бизнес-марказ – тадбиркорлар ва бизнесменларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

Консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлик иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси – бу турли йўналишдаги фирмаларнинг бозор ва бизнес соҳасидаги имкониятларини аниқлаб берувчи молия-хўжалик фаолиятини ялпи тафтиши билан шуғулланувчи муассасаси.

Сугурта компанияси – сугурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни сугурта ходисаси рўй берган чоғда сугурталанган шахснинг заарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олевчи ташкилот.

6.2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли

Hozirda mamlakatimizda 26 ta tijorat banki faoliyat ko’rsatib, ulardan 3 tasi – davlat, 10 tasi – aksiyadorlik-tijorat, 8 tasi – xususiy va 5 tasi – chet el kapitali ishtirokidagi banklar hisoblanadi.

Jadval

O’zbekistonda tijorat banklari faoliyatining asosiy ko’rsatkichlari⁵

Ko’rsatkich	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Banklarning umumiy kapitali hajmi, trln. So’m	2,1	3,0	4,1	5,2	5,5	6,2	6,9	7,8
Tijorat banklarining jami aktivlari hajmi, trln. So’m	12,1	15,7	20,7	27,5	35,7	43,8	56,2	65,2
Tijorat banklari tomonidan berilgan kreditlar, trln. So’m	6,4	8,6	11,5	15,7	20,4	26,5	34,8	42,7
Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlashga ajratilgan kreditlar, trln. So’m	1,3	1,9	2,7	4,0	5,3	6,9	9,2	12,1
Tijorat banklar tomonidan muomalaga chiqarilgan plastik kartochkalar soni, mln. Dona	4,5	6,1	7,9	8,3	9,5	11,1	13,4	16,3
Savdo va xizmat ko’rsatish obyektlariga o’rnatilgan terminallar soni, ming dona	24,9	60,6	85,7	99,7	112,7	130,0	159,0	183,1

6.3. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқdir.

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда мижозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган

⁵ www.cbu.uz ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlandi.

мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди. Марказий банк томонидан амалга оширилган катъий пул-кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Хукумат томонидан Инқирозга қарши комплекс чора-тадбирлар дастури республика банк-кредит тизимида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим ахамиятга эга бўлди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини камраб олган молиявий инқироз кўлами кенгайтганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажralиб турди.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш қўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Банк кредитининг манбаи фақат вақтинча бўш маблағлар ва капитал бўлиб қолмасдан, кредит асосида чек-депозит эмиссияси ҳам амалга оширилади. Банк томонидан бериладиган кредит миқдори мавжуд жамғармалардан кўп бўлса, банк чек-депозит эмиссиясини амалга ошириши мумкин.

Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

6.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш, улардан олинадиган солиқ турлари ва солиқ имтиёзлари

Солиқлар – бу бюджетга тушадиган пул ва қонун билан белгиланган мажбурий муносабатлардир. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасидаги муносабатларни ифода этади.

Солиқлар, энг аввало, давлатнинг вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш зарурлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги солиқлар ва йиғимлар амал қиласди:

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Умумдавлат солиқларга қўйидагилар киради:

- юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қўйидагилар киради:

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солик;
- савдо-сотиқ қилиш ҳуқуки учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
- автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ободончилик ишлари учун йиғим;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун йиғим;
- ва бошқа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йиғимлар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Солиқ нимага олинса, ўша нарса солиқ обьекти бўлади. Солиқ обьекти З гурухга бўлинади: оборот, даромад ва мулк.

Солиқ обьектининг ҳар бир солиқ бирлиги учун давлат томони-дан белгилаб қўйилган меъёри солиқ ставкаси деб юритилади. Бу ставка қатъий суммаларда ёки фоизларда обьектга нисбатан қўл-ланилади.

Солиқ ставкалари пропорционал, прогрессив ва регрессив кўринишларда бўлиши мумкин.

Акциз – бу баъзи истеъмол товарлари қийматига устами қўйиладиган эгри солиқдир. Эгри солиқ деб аталишининг сабаби – унинг бюджетга тўловчилари акциз ости товарларини ишлаб чиқариб сотувчилардир. Аммо, солиқни ҳақиқий тўловчилари маҳсулот етказувчилардан товарларни сотиб оловчилар, яъни истеъмолчи-лардир. Шунинг учун бу солиқ баъзи мамлакатларда истеъмол солиғи деб ҳам аталади.

6.5. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида аудит ва аудиторлик тафтишини ўтказиш

Ўзбекистонда аудит Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуни асосида амалга оширилади. **Аудит** – хўжалик юритувчи субъектларни мустақил экспертиза ва молиявий ҳисоботини таҳлил етuvchi ташкилотdir. Буни шунга вакил қилинган шахслар – аудиторлар (аудиторлик фирмалари) бажаради.

Аудитнинг асосий мақсади – молиявий ва хўжалик операцияларининг тўғрилигини ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига нечоғлик мослигини аниқлашдан, буларнинг тўла-туқислиги, аниқ-равшанлити, бухгалтерия ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоб юритишга қўлланилаётган талабларга нечоғлик монандлигини аниқлашдан иборатдир. Аудит таркибига яна консалтинг, яъни мижоз билан шартнома тузиб, хизматлар кўрсатиш ҳам киради.

Аудиторлик фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг фао-лияти устидан маҳсус ваколат олган давлат идораларининг назорати ўрнини босмайди.

Аудитнинг асосий «ҳаракатланувчи шахси» аудитор ва ауди-торлик фирмасидир. Аудитор белгиланган тартибда аудиторлик фао-лияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган ҳамда аудиторлик касби рўйхатига киритилган мутахассисдир. Аудиторлик фирмаси – юридик ва жисмоний шахс томонидан тузилиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгач, уставига кўра аудиторлик хизмати кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилот.

Куйидагиларга аудиторлик текширувни ўтказиш тақиқланади:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдр шахслари билан яқин кариндош бўлган шахсга;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда шахсий-мулкий манфаатлари бўлган шахсга;
- хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарларига, муассасалари ёки мулкдорларига;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ёки унинг филиал-лари ходимига;
- давлат хокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахсларига;
- кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганларидан кейин фаолият бошлайди.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигига Давлат рўйхатидан ўтади.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия давлат рўйхатидан ўтгандан кейин берилади. Уларни бериш тартибини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

6.6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлашни ташкил этиши

Ахборотлар яна ички ва ташқи, дастурий ва меъёрий ахборотларга бўлинади.

Ички ахборот кичик корхона ёки савдо ташкилоти ички материалларидан иборат бўлади ҳамда корхона фаолиятини, унинг техник иқтисодий кўрсаткичларини моддий ва меҳнат харажатлари ҳажмини, нақд пул ҳаракатини, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттиради.

Ташқи ахборотлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъ-молчиларни, ҳокимият идоралари, банклар, рақобатчилар ва бошқа ташкилотлар билан бўладиган алоқаларни ифодалайди. У товарларни сотиш ва харид қилиш шартлари ҳақидаги ташқи муҳит хабарларидан иборат бўлади.

Фойдаланиш вақти бўйича ахборотлар оператив, даврий ва узоқ муддатли, ўзгариш даражаси бўйича бирламчи ва иккиласми ахборотга бўлинади.

Тадбиркорликда иқтисодий ахборотлар етакчи рол ўйнайди, чунки улар товар ишлаб чиқариш, моддий бойликларни тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилиш жараёнидаги муносабатларни акс эттиради.

Кичик корхоналар учун илмий-техник ахборотларнинг роли ҳам муҳим, улар ишлаб чиқаришни илмий-техник тараққиёт асосида ривожланишни акс эттиради.

Доимийлик даражаси бўйича ахборотлар ахборотлар доимий, шартли-доимий ва ўзгарувчан бўлади. Доимий ахборот ўз маъносини узоқ вақт давомида ўзгартирамайди (шаҳарлар, корхоналар, савдо ташкилотлари номлари, товарлар турлари ва бошқалар ҳақидаги ахборотлар).

Шартли-доимий ахборотлар маълум вақт давомида ўз маъносини сақлаб туради. Унга маҳсулот тайёрлаш учун техник шартлар, меъёрлар, тариф микдорлари, лавозим, иш ҳақи ва ҳоказолар киради.

Ўзгарувчан ахборотлар харид қилиш ва сотишнинг ўсишини акс эттиради. Улар қарор қабул қилиш учун доимо тезлик билан қайта ишлашни талаб қиласи, акс ҳолда, уларни олишдан маъно қолмайди.

Ҳар қандай ахборот ҳужжатларда акс эттирилади. **Ҳужжат** – бу ахборот тарқатувчи воситадир.

Нафакат ишбилармонлар, балки бу ҳужжатларни ўқувчи, улардан фойдаланувчи, уларни қайта ишловчи ва сақловчи одамларнинг меҳнат харажатлари ҳужжатнинг шаклларига боғлиқ. Бизнесда кераксиз ҳужжатларнинг бўлиши мумкин эмас.

Ахборотлар оқими муваффакиятли бизнес учун керакли алоқа-ларни таъминлайди. Бундай алоқалар товар ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари, маҳсулотларни сотувчилар ва харидорлар, турли муассасалар ўртасида зарурдир.

Ахборот алмашиш кичик бизнес фаолияти ва хусусий тадбиркорликнинг энг мураккаб муаммоларидан биридир.

Тадқиқотчилар тадқиқотнинг дастлабки босқичида муаммони аниқ белгилашлари ва тадқиқот мақсадини белгилаб олишлари керак. Ахборотларни йиғиш анча оғир ва маъсулиятли ишдир. Муаммони мужмал ёки нотўғри белгилаш ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларга олиб келади. Аниқ қўйилган мақсад муаммони ҳал қилишнинг асосидир.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида буюртмачини қизиқтираётган ахборот турини ва уни энг самарали йиғиши йўлини аниқлаш зарур. Тадқиқотчи икқиламчи ёки бирламчи ахборотларни ёки иккаласини бир вақтда йиғиши мумкин.

Икқиламчи ахборот – бу аввал бошқа мақсадлар учун йиғилган мавжуд ахборотдир.

Куйидагилар икқиламчи ахборот манбаларини ташкил этади:

- корхоналарнинг ҳисоботлари;
- бўлғуси тадқиқотлар ҳақидаги ҳисоботлар;
- давлат муассасаларининг нашрлари;
- корхона, муассасаларнинг баланс ҳисоботлари;
- статистик маълумотномалар;
- биржалар маълумотномалари;
- газета ва журналлар, радио, телевидение эшиттиришлари ва ҳ.к.

Икқиламчи ахборот тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиласи. У арzon тушиши ва олиниши осонлиги билан ажralиб туради. Аммо тадқиқотчига керакли маълумотлар эскирган, ноаниқ, тўлиқсиз ёки ишончсиз ҳолда етиб келиши мумкин. Бу ҳолда тадқиқотчининг янада кўпроқ маблағлар ва вақт сарфлаши орқали бирламчи ахборот йиғишига тўғри келади.

Бирламчи ахборот – бу аниқ мақсад учун биринчи марта йиғи-ладиган ахборотдир.

Бирламчи ахборот йиғишнинг учта усули бор:

1. Кузатиш усули.
2. Тажриба усули.
3. Сўров усули.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Банкнинг пассив ва актив операцияларининг моҳияти нимада?
2. Банкда кредит бериш тартиди қандай ташкил этилган?
3. Банклар билан тадбиркорлар ўртасида бажариладиган опе-рацияларда ўзаро муносабатлар қандай ташкил этилади?
4. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги валюта операциялари қандай бажарилади?
5. Тадбиркорлик фаолиятида солиқ солиш тартибини изоҳлаб беринг.
6. Солиқ солиш обьекти ва базаси нима?
7. Солиқ ставкаларининг таркиби қандай тузилган?
8. Акциз солиги нима? Унинг амал қилиш тартиби қандай?
9. Аудитнинг асосий мақсади нималардан иборат?
10. Аудиторларнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?
11. Кичик бизнес фаолиятида ахборотнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?
12. Бизнесда ахборот турлари ва уларнинг тўтган ўрни қандай?
13. Ахборот алмашинувининг асосий элементлари нималардан иборат?
14. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда ахборотлар тизимидан қандай фойдаланадилар?

7-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ

Маъруза машғулоти

- 7.1.Ишлаб чиқариш ҳаражатлари тўғрисида тушунча**
- 7.2.Маҳсулот таннархига киритиладиган ҳаражатлар**
- 7.3.Маҳсулот таннархи киритилмайдиган ҳаражатлар.**
- 7.4.Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар ва фавқулодда заарлар**
- 7.5. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуслари.**
- 7.6.Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари**

7.1. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари тўғрисида тушунча

Ҳар бир корхона маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳаражатларни амалга оширади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган ҳаражатларини қуидагича туркумлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокига кўра:
 - ишлаб чиқариш ҳаражатлари;
 - ноишлаб чиқариш ҳаражатлари.
2. Ишлаб чиқаришда сарф этиладиган ресурслар манбаига кўра:
 - ички ҳаражатлар;
 - ташки ҳаражатлар.
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатай:
 - доимий ҳаражатлар;
 - ўзгарувчан ҳаражатлар.
4. Маҳсулот таннархига олиб борилиши жиҳатидан:
 - бевосита ҳаражатлар;
 - билвосита ҳаражатлар.
5. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа фаолияти натижасида юзага келадиган:
 - маҳсулот таннархига киритиладиган ҳаражатлар;
 - давр ҳаражатлари;
 - молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар;
 - фавқулодда заарлар.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириш билан боғлиқ қуидаги ҳаражатлардан ташкил топади:

- бевосита моддий материал ҳаражатлари;
- бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли устама ҳаражатлар.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган

ҳаражат турлари ноишлаб чиқариш ҳаражатлари деб юритилади. Унинг таркибига:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ҳаражатлар;
- бошқарув ҳаражатлари;
- бошқа операцион ҳаражатлар ва заарлар;
- фавқулодда заарлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган корхонанинг ўзига тегишли ресурслар сарфи (масалан, фермер хўжалигида асосий воситалар эскириши, хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқарилган ем-хашак, органик ўғитлар, асосий подага ўтказилаётган ёш чорва моллари ва бошқалар) дархонанинг ички ҳаражатларини, ташки мол етказиб берувчилар ва бошқа субъектлардан сотиб олинган ресурслар учун тўловлар корхонанинг ташки ҳаражатларини ташкил қиласи.

Қисқа муддатли даврада маҳсулот ҳажмининг ўсишига нисбатан доимий ва ўзгарувчи ҳаражатлар фарқ қиласи.

Доимий ҳаражатлар махсулот ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмай, корхонанинг маълум бир вақт оралиғида сарфлаши қатъий белгилаб қўйилган ўзгармас ҳаражатларини ифода этади. Бунга асосий воситаларнинг амортизацияси, бошқарув ходимларининг иш хақи, суғурта тўловлари, телефон учун абонентлик тўлови ва ижара тўловларини мисол қилиб келтириш мумкин. Доимий ҳаражатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, махсулот ҳажмининг ошиб бориши билан бир бирлик махсулотга тўғри келувчи ўртacha доимий ҳаражатлар камайиб боради.

Ўзгарувчи ҳаражатлар миқдори махсулот ишлаб чиқариш ҳажининг ўсиши ёки камайишига қараб ўзгариб туради, яъни махсулот ҳажми ўзагришига мутаносиб бўлади. Ўзгарувчан ҳаражатлар таркибига ишчиларнинг иш хақи ва унга нисбатан ажратмалар, хомашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, ёқилғи ва энергия, транспорт ҳаражатлари ва бошқа воситалар фарқи киради. Узгарувчан ҳаражатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, махсулот ҳажмининг ошиб бориши бир бирлик махсулотга тўғри келувчи ўртacha ўзгарувчи ҳаражатларининг ўзгаришига унчалик таъсир кўрсатмайди.

7.2. Махсулот таннархига киритиладиган ҳаражатлар

Таннархда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари - ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкил этиш даражаси, корхонани тежамкорлик билан ва оқилона юритиш омиллари, махсулот ишлаб чиқаришни юксалтириш шароитлари ўз аксини топади.

Махсулот таннархини ҳисоблашдан кўзда тутилган асосий мақсад - уни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий ҳаражатларни тегишли ҳужжатларда ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли акс эттириш ҳамда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик асосида, оқилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатишдир.

Махсулот таннархи корхона ҳаражатлари тушунчасидан фарқ қиласди. Корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа молиявий-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган барча ҳаражатлари махсулот таннархига киритилмайди. Махсулотгинг (ишнинг, ҳизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар киритилади. Уларга қўйидагилар тегишли бўлади:

- бевосита моддий ҳаражатлар;
- бевосита меҳнат ҳаражатлари;

• ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган билвосита устама ҳаражатлар. Бу ҳаражатларнинг кўпчилигини натурада, яъни дона, кг, метр ва бошқа кўринишларда ҳисобга олиб бориш ва режалаштириш мумкин. Аммо, махсулот ишлаб чиқаришга сарфланган барча ҳаражатларни биргаликда ҳисобга олиш учун уларни ягона ўлчов бирлигига - қиймат-пул кўринишига келтириш талаб этилади.

Айрим турдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларини яратилаётган махсулот таннархига тўғридан-тўғри киритиш мумкин. Унга ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақини ва истеъмол қилинган моддий ресурслар сарфини киритиш мумкин. Бундай ҳаражат турлари бевосита ишлаб чиқариш ҳаражатлари деб юритилади.

Иккинчи бир ҳаражат турлари бир неча хил махсулот етишириш жараёнида иштирок этиши туфайли (масалан, бир неча хил экинларга ўғит ташибган трактор амортизацияси) уларга кетган ҳаражатларни шу махсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига мутаносиб тақсимлашга тўғри келади. Бундай ҳаражатлар билвосита ишлаб чиқариш ҳаражатлари ёки ишлаб чиқаришга тегишли устама ҳаражатлар деб юритилади.

Корхонада режадаги (бизнес-режада белгиланган) ва ҳақиқий (ҳисобот бўйича ҳақиқатда эришилган) таннарх ҳисоблаб борилиши мумкин. Бу режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳаражатларини ҳақиқатда эришилган даража билан солишиши, ортиқча моддий ва меҳнат ресурслари сарфларига йўл қўйилган ёки тежамга эришилганини аниқлаш ва келгусида тегишли хulosалар чиқаришга имкон беради.

7.3. Махсулот таннархига киритилмайдиган ҳаражатлар.

"Маҳсулот таннархига киртилмайдиган ҳаражатлар" моддасига юқорида келтирилган моддаларда акс этмаган, аммо ишлаб чиқаришга таалуқли бўлган қўйдаги бошқа ҳаражатлар киритилади:

- ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш ҳаражатлари;
- четдан жалб этилган корхоналар томонидан амалга оширилган корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини иш холатида саклаш ҳаражатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш ҳаражатлари);
- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ ҳаражатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфзислигини таъминлаш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар;
- ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ ҳаражатлар;
- экинлар, чорва моллари ва ишлаб чиқариш воситаларини мажбурий суғурталаш ҳаражатлари;
- ёнгинга қарши, экинзорлар, асосий воситаларни қўриқлаш ҳаражатлари;
- ишчиларга бепул бериладиган маҳсус кийим - бош (халат, куртка, этик, фартук ва бошқа), озиқ - овқат ҳаражатлари;
- молларнинг тагини куруқлашга сепиладиган сомон, қиринди ва бошқа материал ҳаражатлари;
- фермалар атрофини девор билан ўраш, чорва моллари учун ёзги соябон ва отарлар қуриш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқариш ахамиятига эга бошқа ҳаражатлар.

Ҳар бир корхона учун маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини излаб топиш иқтисодий самарадорлик нуқтаи - назаридан муҳим ҳисобланади. Чунки, маҳсулот таннархи қанчалик арzon бўлса, шунчалик корхона оладиган фойда микдори ошиб боради.

Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга юқори унумли, ишончли ва арzon ишлаб чиқариш воситаларини жорий этиш;
- асосий айланма фондлардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг материал сифимини камайтириш ва тежамкорликка эришиш;
- машина ва техникаларнинг кунлик ва йиллик иш унумини кўтариш;
- ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологиялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш вамеҳнатни ташкил этишнинг илгор шаклларидан фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- маҳсулотлар сифатини ошириш ва нобудгарчилик, йўқотишларга йўл қўймаслик;
- қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигин ошириш ва бошқалар.

7.4. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар ва фавқулодда заарлар

Кичик бизнес корхоналарининг иш фаолияти унинг молиявий ҳолати билан чамбарчас боғланганидир. Молиявий ҳолат корхонанинг ҳар томонлама фаолиятининг натижаларини акс эттиради ва режада белгиланган ишларнинг бажарилишига таъсир кўрсатади. Ҳар бир кичик корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини тўғри олиб борилиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан асосийси фойдадир.

Корхоналар фойдасининг турлари қўйидагилардан иборат:

- а) маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ). Бу сотишдан тушган соф тушум (СТ) ва сотилган маҳсулотнинг таннархи (МТ) ўртасидаги фарқдан иборат, яъни

ЯФ = СТ – МТ;

б) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (ИЧФ). Бу маълум давр ичидаги маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ) ва ҳаражатлар (Аҳараж.) ўртасидаги фарқ ва плюс бошқа асосий фаолият соҳалари даромадлари (Бдар.) ёки камомадлари (Бкам.) айирмасидан иборат, яъни:

ИЧФ = ЯФ – Аҳараж. + Бдар. – Бкам.;

в) умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ). Бу алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланади: асосий фаолиятидаги фойда (АФФ) плюс дивидендлар (ДД) ва фоизлар бўйича даромадлар (ФД) плюс (ёки минус) чет эл валюталари бўйича операцияларидан олинган даромадлар (ёки камомадлар) (ЧЭВ) плюс (ёки минус) кимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдаги даромадлар (ёки камомадлар) (ККБ) минус фоизлар бўйича ҳаражатлардан (ФХ) иборат, яъни:

УХФ = АФФ + ДД + ФД ± ЧЭВ ± ККБ – ФХ;

г) солик тўловларигача бўлган фойда (СФ). Бу кўрсаткич ҳам алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланиб, умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ) ва тасодифий (кўзда тутилмаган) фойда ёки камомадлар (ТФК) салдосидан иборат, яъни:

СФ = УХФ ± ТФК;

д) йиллик соф фойда (ЙСФ). Бу барча солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг корхона ҳисобига қоладиган даромад, яъни солик тўловларигача бўлган фойдадан (СФ), даромад ёки фойда солиғини (ФС) ҳамда бошқа солиқлар ёки тўловларни (БС) олиб ташлангандан кейин қолган қисмидир, яъни:

ЙСФ = СФ – ФС – БС;

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини юритиши давомида келиб чиқадиган ҳаражатлар ўз хусусиятларига кўра қуидагича тасниф-ланади:

7.5. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш усуслари.

Маҳсулот таннархи бир турдаги маҳсулотни бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш ҳаражатларини шу маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади:

МТ = МХ+ИХ+СТ+А+БИХ / М

Бу ерда:

МТ - маҳсулот таннархи, сўм / дона, сўм / кг ва бошқа;

МХ - ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари, сўм;

ИХ - ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари, сўм;

СТ - ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугурта тўловлари, сўм;

А - асосий воситалар амортизацияси, сўм;

БИХ - бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари, сўм;

М - маҳсулот миқдори, центнер, дона, кг, тонна ва ҳаказо.

Маҳсулот таннархини аниқлашда ҳисоблаш обьектларини билиш мухимдир. Унга қилинганд ҳаражатларни алоҳида ҳисобга олиш мумкин бўлмаганлигидан, умумий ишлаб чиқраиш ҳаражатларини ҳисоблаш обьектлари бўйича тўғри тақсимлаш мухимдир.

Махсулот таннархига киритиладиган ишалб чиқариш ҳаражатлари ҳаражат элементлари ва моддалари бўйича гурухларга ажратилади. Бундай гурухлаш:

- режалаштирилган махсулот ишлаб чиқаришнинг моддий ва меҳнат сарфларига эхтиёжни аниқлаш;
- ҳаражатларни иқтисодий мазмунига кўра тақсимлаш;
- умумий ишлаб чиқариш ҳаражатлари микдорида у ёки бу ҳаражат элементларининг улушкини аниқлаш имконин беради.

Масалан, бухгалтерия ҳисобида махсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатлар иқтисодий мазмуни ва умумийлик хусусиятларига кўра қуидаги элементларга ажратилади:

- ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқаришга оид бошқа ҳаражатлар.

Иқтисодий ҳисоб-китобларда махсулот таннархини режалаштириш ва ҳисоблашда ҳаражатларни **ҳисоблаши моддалари** бўйича гурухлаш қабул қилинган. Саноат корхоналаридан **махсулот таннархини ҳисоблаши моддалари** қуидагилардан ташкил топади.

Махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражат **элементлари** ва **ҳисоблаши моддалари** орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

7.6. Махсулот таннархини пасайтириш йўллари

Махсулот таннархини пасайтириш йўллари қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга юқори унумли, ишончли ва арzon ишлаб чиқариш воситаларини жорий этиш;

- асосий айланма фонdlардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг материал сифимини камайтириш ва тежамкорликка эришиш;
- машина ва техникаларнинг кунлик ва йиллик иш унумини кўтариш;
- ресурсларни тежовчи ва чиқитсиз технологиялардан кенг фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш вамеҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларидан фойдаланиш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- махсулотлар сифатини ошириш ва нобудгарчилик, йўқотишларга йўл қўймаслик;
- қишлоқ хўжалигига экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари махсулдорлигин ошириш ва бошқалар.

Назорат ва мулохаза учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш ҳаражатларига нималар киради?
2. Махсулот таннархи нима?
3. Махсулот таннархи қандай усуllар билан ҳисобланади?
4. Саноат корхоналарида махсулот таннархи қанадай ҳисобланади?
5. Асосий воситалар амортизацияси деганда нимани тушунасиз?
6. Қишлоқ хўжалигига махсулот таннархи қандай ҳисобланади?
7. Қишлоқ хўжалигига махсулот таннархини ҳисоблашда ҳаражат моддаларини санаб беринг?
8. "Бошқа ҳаражатлар" моддасига қандай ҳаражатлар киритилади?
9. Махсулот таннархини ҳисоблаш кетма-кетлиги қандай амалга оширилади?
10. Махсулот таннархини пасайтириш йўллари нималардан иборат?

8-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Маъруза машгулоти

- 8.1.Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар**
- 8.2.Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредит билан таъминлаш шакллари**
- 8.3.Кредит ставкасини аниқлаш**
- 8.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги**
- 8.5. Самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар**
- 8.6. Самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари**

8.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кичик бизнес корхоналарининг молиявий фаолияти уларнинг давлат, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва шахслар билан ўзаро муносабатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган пул ҳисоб-китобларини ифодалайди.

Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлардан асосийси фойдадир.

Корхоналар фойдасининг турлари қуидагилардан иборат:

а) маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ). Бу сотишдан тушган соф тушум (СТ) ва сотилган маҳсулотнинг таннахи (МТ) ўртасидаги фарқдан иборат, яъни

ЯФ = СТ – МТ;

б) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (ИЧФ). Бу маълум давр ичida маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ) ва харажатлар (Аҳараж.) ўртасидаги фарқ ва плюс бошқа асосий фаолият соҳалари даромадлари (Бдар.) ёки камомадлари (Бкам.) айримасидан иборат, яъни:

ИЧФ = ЯФ – Аҳараж. + Бдар. – Бкам.;

в) умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ). Бу алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланади: асосий фаолиятидаги фойда (АФФ) плюс дивиденdlар (ДД) ва фоизлар бўйича даромадлар (ФД) плюс (ёки минус) чет эл валюталари бўйича операцияларидан олинган даромадлар (ёки камомадлар) (ЧЭВ) плюс (ёки минус) қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдаги даромадлар (ёки камомадлар) (ККБ) минус фоизлар бўйича харажатлардан (ФХ) иборат, яъни:

УХФ = АФФ + ДД + ФД ± ЧЭВ ± ККБ – ФХ;

г) солик тўловларигача бўлган фойда (СФ). Бу кўрсаткич ҳам алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланиб, умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ) ва тасодифий (кўзда тутилмаган) фойда ёки камомадлар (ТФК) салдосидан иборат, яъни:

СФ = УХФ ± ТФК;

д) йиллик соф фойда (ЙСФ). Бу барча соликларни тўлаб бўлгандан сўнг корхона ҳисобига қоладиган даромад, яъни солик тўловларигача бўлган фойдадан (СФ), даромад ёки фойда солиғини (ФС) ҳамда бошқа соликлар ёки тўловларни (БС) олиб ташлангандан кейин колган қисмидир, яъни:

ЙСФ = СФ – ФС – БС;

Сотишдан тушган соф тушумлар – маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушумлардан, қўшимча қиймат солиги, акциз солиги, экспорт солиги (сотиб олевчи томонидан бериладиган айrim скидкалар) ва бошқа тўлов ҳамда ажратмаларни олиб ташлагандан кейин қолган қисми сифатида ҳисобланади.

Корхоналарнинг экспорт фаолияти билан боғлиқ операциялардан тушган фойда ва даромадларни ҳисоблаш, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган тушумлар хажмини аниқлаш каби белгиланган тартибда амалга оширилади.

Асосий фаолият соҳаларидағи бошқа даромадлар (операцион даромадлар) ҳисобот бўлимининг «Бошқа даромадлар ва тушумлар» моддасида кўрсатилади.

Тасодифий фойда ёки даромадлар – хўжалик фаолиятини юргизиш давомида кўзда тутилмаган тасодифлар, ҳодисалар, эътиборга олинмаган жараёнлар ва воқеалар туфайли вужудга келадиган даромадлардир.

Мулкий жавобгарлик, мулк шаклидан қатъий назар, факат корхонанинг ўз маблағлариға қўйилиши мумкин. Ўз маблағларнинг микдори бухгалтерия баланси маълумотлариға асосан аниқланади.

Мулк формаларидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобида бўлган ўз маблағлари суммаси қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Ўмаб.} = \text{БВ} - (\text{М} + \text{Ммаж.ўс.} - \text{Ммаж.сўн.}) - \text{Деб.қарз.} - 3;$$

Бунда:

БВ – баланс валютаси суммаси;

М – узоқ муддатли ва қисқа муддатли мажбуриятлар пассивини иккинчи ва учинчи бўлимлари;

Ммаж.ўс. – мажбуриятларнинг ўсиши – охирги ҳисобот даври учун баланс маълумотлари билан таққослаганда контракт имзолаган кунга қарз олинган ва жалб қилинган маблағлар;

Ммаж.сўн. – контрактни имзолаш санаси ва охирги ҳисобот даври учун балансни тузиш санаси ўртасидаги даврда мажбурият-ларнинг сўниши;

Деб.қарз. – даъво қилиш муддати тугаган дебиторлик қарзлари;

3 – зарарлар суммаси.

8.2. Кичик бизнес ва тадбиркорликни кредит билан таъминлаш шакллари

Хозирги кунда кичик бизнес субъектларини бир қанча воситалар билан молиялаштириш усуслари қўлланилмоқда.



Кредит қарзга пул олишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютадаги кредит маблағлари манбаи бўлиб, тижорат банклари, шунингдек, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобланади.

Кредит товар-пул муносабатлари мавжуд шароитдаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кредит муносабатлари вужудга келишининг асоси ҳисобланади. Кредит орқали жамиятимизда бир қанча ижобий натижаларга эришиш мумкин:

1. Фонdlар айланишида четга чиқиб, бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олдини олади.

2. Такор ишлаб чиқаришда кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратиб беради.

Кредит – фоизда қайтариш шарти билан вақтинча фойдаланиш учун пул ёки материал маблағлари бериш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тизими.

Кредитлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив актлари билан маън этилмаган мақсадлар учун барча эгалик хўжалик мулки шакидаги жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тамойиллар асосида қисқа ва узоқ муддатларга ажратилади.

Кредит муносабатларининг мазмуни ва моҳиятини тушуниш учун унинг зарурий элементлари - кредитнинг обьекти ва субъектини тушуниш зарур

Кредит муносабатларининг субъектлари икки хил бўлади.

1. Қарз берувчи. 2. Қарз оловчичи.

Кредит субъектлари хар хил. Булар юридик ва жисмоний шахслар, корхона, банк, фирма, давлат ва турли тоифадаги аҳоли бўлиши мумкин.

Кредит ресурсларидан корхоналар қуйидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин:

1) Корхона кредитни харажатларнинг бирор турини амалга ошириш учун, масалан, хом-ашё ва материалларни сотиб олиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин.

2) Корхона айланма фондларининг доиравий айланишининг барча босқичларида кредитни жалб қилиши мумкин.

3) Корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга ошириши мумкин.

Кредит олиш учун қарз оловчичи ўзининг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаши ва ўзи учун қуйидагиларни аниқ белгилаб олиши шарт:

1. Ўз маҳсулотини сотиш бозорини ўрганиш (талаб ва таклиф асосида);

2. Лойиҳанинг ишлаши учун керак бўладиган товар-моддий бойликларни, шунингдек, тайёр маҳсулотни сотиш учун зарур бўлган шартномаларнинг мавжудлиги;

3. Кредитланаётган лойиҳанинг самарадорлиги;

4. Хисоб рақамига пул маблағлари келиб тушишининг даврийлиги;

5. Кредит ва у бўйича фоизларни сўндириш манбалари;

6. Кредит учун тўланадиган тўловни хисоблаш ва унинг даврийлиги.

Микромолиялаш: Микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган микдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

Микрокредит: Микрокредит қарз оловчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилиқ, муддатлилиқ ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағлари.

Микрокредит қарз оловчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиши шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилishi мумкин.

Микролизинг: Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг оловчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг оловчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир.

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

8.3. Кредит ставкасини аниқлаш

Мана шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди. Фоиз ставкаси олдиндан белгиланади.

Кредитнинг фоиз ставкаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$КФС = КФ / КМ * 100;$$

Бу ерда, КФС – кредитнинг фоиз ставкаси, %;
КФ – қарз фоизи, сўм;
КМ – қарз микдори, сўм.

Кредитларнинг фоиз ставкаси мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Ҳалқаро кредитларнинг фоиз ставкаси эса жаҳон ссуда капиталлари бозорида аниқланиб, бу бозорларнинг асосий қисми Лондон, Токио, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж ва Брюссел шаҳарларида жойлашган.

Кредитларнинг фоиз ставкаси турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Бу омилларнинг асосийлари қўйидагилардир:

Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай микдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай микдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф тушса, у камаяди.

8.4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти. Бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг оқилона йўлларини қидириб топишни талаб қиласди. Бу эса материаллар ва ҳом ашёни тежаб-тергаб сарфлашни, дастгоҳлар ва ускуналардан яхшироқ фойдаланишни, ходимлар иш унумдорлигини оширишни, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиришни, пировардида, корхона рентабеллиигини ва фойдалиигини оширишни кўзда тутади.

Кўрсатиб ўтилган омилларнинг барчаси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига эришиш тушунчасига бирлашади. Корхона хўжалик фаолиятининг якуний натижаси (фойда)ни унга эришишга сарфланган ресурслар билан таққослаш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини акс эттиради. Самарадорликнинг ошиши харажатлар бирлигига тўғри келадиган иқтисодий натижаларнинг кўпайиши билан ифодаланади. Самарадорлик хўжалик юритиш механизмининг такомиллашганлик даражасидан, бизнесни тўғри йўналишда олиб борилаётганлигидан дарак беради.

Самарадорликнинг таърифи асосида ишлаб чиқариш харажат-ларининг таркиби ва ҳажми ётади. **Харажатлар** – бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган омиллар (сармоялар, меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, тадбиркорлик фаолияти) учун сарфланган маблағларнинг пулда акс эттирилишидир. Улар маҳсулот таннархи кўрсаткичидан намоён бўлиб, барча моддий харажатлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг пулдаги ифодасидир.

Ишлаб чиқаришнинг барча харажатларини икки гурухга: доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш мумкин. Доимий харажатларга микдори ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ҳам ўзгармайдиган харажатлар киради. Улар корхона маҳсулот ишлаб чиқармаган ҳолда ҳам тўланиши керак. Уларга амортизация чегирмалари, бинолар ва ускуналарнинг ижараси, суғурта бадаллари, бошқарув ходимла-рининг иш ҳақлари ва бошқалар киради.

Ўзгарувчан харажатлар деб, умумий микдори бевосита ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларига киритилган, шунингдек, маҳ-сулотларнинг бир неча турларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар тушунилади. Буларга ҳом ашё, материал-лар, ёқилги ва электр энергияси, ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатларининг бундай бўлиниши корхоналар фаолияти самарадорлигининг ҳар хил кўрсаткичларини аниқлаш учун зарурдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш услуби умумий харажатлар ва уларнинг айrim турларини хўжалик фаолиятининг натижалари билан таққослашдан иборатдир. Бунинг учун турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг белгиланган таснифи мавжуд эмас. Ҳар бир корхона иқтисодиётини ўрганувчи уларни ўзича, у ёки бу

кўрсаткичларнинг аҳамиятини таъкидлаш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда ёки корхона иши натижаларини ҳар томонлама баҳолаган ҳолда гурухларга ажратади.

Барча кўрсаткичларни қўйидаги учта гурухга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир: хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичлар; ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари; молиявий фаолиятни баҳоловчи кўрсаткичлар.

8.5. Самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар

Корхонанинг фаолиятини ёки унинг молиявий ҳолатини баҳолаш – корхонанинг хўжалик ва тижорат фаолияти жараёнида вужудга келувчи молиявий ва кредит муносабатлари натижасини акс эттирувчи тушунчадир.

Тўлов қобилияти коэффициенти корхонанинг тўлов имконият-ларини кўрсатади ва қўйидаги формула билан аниқланади:

$$К_{пл} = A_2 / (P_2 - (Д_{зк} + К_{зк} + А_п)),$$

бу ерда, $К_{пл}$ – корхонанинг тўлов қобилияти коэффициенти;

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш захиралари, пул маблағлари ва бошқалар);

P_2 – мажбуриятлар;

$Д_{зк}$ – узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар;

$К_{зк}$ – кисқа муддатли қарзлар ва кредитлар;

$А_п$ – ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинган бадаллар.

Бу кўрсаткич бирдан катта бўлиши керак.

Шахсий ва қарз маблағлар нисбатларининг коэффициенти қисқа муддатли қарз маблағларининг шахсий манбалар билан таъминланиш даражасини белгилайди ва қўйидаги формула билан аниқланади:

$$К_{ес} = P_1 / (P_2 - (Д_{зк} + К_{зк} + А_п)),$$

бу ерда P_1 – шахсий маблағларнинг манбалари (устав сармоялари, қўшимча сармоялар, тақсимланган фойда).

Бу кўрсаткич бирдан кичик бўлмаслиги керак.

Молиявий боғлиқлик коэффициенти корхонанинг молиявий боғлиқлигининг камайиши (кўпайиши), келгуси даврларда молиявий қийинчиликлар хавфининг кўпайиши (пасайиши) ҳақида дарак беради ва корхона томонидан кредиторлар олдидағи ўз мажбуриятларини тўлаш кафолатини аниқлайди. Молиявий боғлиқлик коэффициенти қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$К_{фш} = P_1 / И_6$$

бу ерда, $И_6$ — актив ёки пассивнинг натижалари.

Бу кўрсаткич 0,5 дан катта ёки унга teng бўлиши керак.

Шахсий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти корхонада унинг молиявий баркарорлиги учун зарур маблағларнинг мавжудлигини ифодалайди ва қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$К_{ос} = (P_1 + Д_{зк} - A_1) / A_2,$$

бу ерда A_1 – узоқ муддатли активлар.

Бу кўрсаткич 0,1 дан катта ёки унга teng бўлиши керак.

Активлар рентабеллиги коэффициенти молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланилаётган активларнинг фойдалилиги (заарлилиги) даражасини кўрсатади ва қўйидаги формула билан аниқланади:

$$К_{ра} = Пр * Д_п / И_6,$$

бу ерда, $Пр$ – солиқлар тўлангунга қадар фойда.

Бу кўрсаткич нолдан катта бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти корхонанинг иш билан таъминланганлик даражасини ифодалайди ва қўйидаги формула билан аниқланади:

$$К_{им} = К_{факт} / (К_{лойиҳа} - К_{ижара} + К_{консер}),$$

бу ерда $К_{лойиҳа}$ – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми;

Кфакт – чиқ арилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми;

Қижара – ижарага берилган қувватлардаги маҳсулотларнинг ҳажми;

Қонсер – консервация қилинган қувватлардаги маҳсулотларнинг ҳажми.

Бу кўрсаткич 0,6 дан катта ёки унга тенг бўлиши керак.

Ускуналар (асосий фондлар)ни ишдан чиқиши коэффи-циенти. Бу кўрсаткич қўйидаги формула билан аниқланади:

Кизп = И / О ,

бу ерда, К_{изп} – ускуналарнинг ишдан чиқиши коэффициенти;

И – асосий фондларнинг ишдан чиқиши;

О – асосий фондларнинг дастлабки қиймати.

Агар юқоридаги барча коэффициентларнинг тармоқ миқдори тенг ёки катта бўлса, бундай корхона иқтисодий қудратли ва тўлов қобилиятига эга ҳисобланади.

6. Самарадорликни оширишнинг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар фаолияти ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини доимо қидиришни талаб қиласди. Агар шундай қилинмас экан, корхонанинг қатъий рақобат мухитида омон қолиши қийиндир. Бу айниқса, кичик ва ўрта корхоналарга тегишлидир. Аввал айтиб ўтилганидек, уларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг барча босқичларида қийинчиликлар ва ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп учрайди.

Тадбиркор муваффақиятли фаолият юритиши учун оддий бозор омиллари (маҳсулотни доимо янгилаш, сифатини ошириш, маркетинг тадқиқотлари, муваффақиятли рақобат ва бошқалар)дан ташқари ўз фаолиятининг самарадорлигига эришишнинг турли-туман йўлларидан фойдаланиши зарур. Булар қўйидагилардир:

- - илғор технология ва замонавий ускуналардан фойдаланиш;
- - хом ашё ва материалларнинг янги турларини қўллаш;
- - асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиш;
- - айланма маблағларни айланишини жадаллаштириш;
- - меҳнатни ташкил қилишнинг самарали шакллари ва усулларини қўллаш;
- - менежмент фани ва амалиётининг илғор ютукларидан фойдаланиш;

- мамлакатимиз ва хориж фирмаларининг илғор тажрибаларини татбиқ этиш ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Корхоналарнинг молиявий фаолияти натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳисоблаш йўлларини тушунтириб беринг.

2. Корхона фойдасининг нечта тури мавжуд?

3. Корхона фойдаси қандай аниқланади?

4. Корхоналарнинг молиявий харажатлари қандай таснифланади?

5. Корхонанинг ўз маблағлари деганда нима тушунилади?

6. Кредит қандай вазифаларни бажаради ва унинг роли?

7. Кредит қандай турларга бўлинади?

8. Кредитнинг қандай шакллари мавжуд?

9. Тижорат кредити деганда нимани тушунасиз?

10. Халқаро кредитлар деганда нимани тушунасиз?

11. Кредитларнинг фоиз ставкаси қандай аниқланади?

12. Кредитларнинг фоиз ставкаси қандай омиллар таъсирида ўзгаради?

- 13. Кичик корхоналар фаолияти иқтисодий самарадорлигининг моҳияти нимадан иборат?
- 14. Самарадорликни аниқлшанинг қандай кўрсаткичларини биласиз?
- 15. Нима учун фойда энг муҳим умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади?
- 16. Фойданинг қандай турлари бор ва улар қандай аниқланади?

- 17. Корхона ишининг рентабеллиги қандай ҳисобланади?

9-МАВЗУ. ТАДБИРКОРЛИК ЭТИКАСИ ВА МАДАНИЯТИ

Маъруза машгулоти

9.1. Тадбиркор раҳбар этикаси

9.2. Тадбиркор маданияти

9.3. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари

9.4. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуслари

9.1. Тадбиркор раҳбар этикаси

Тадбиркор фаолияти факат тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларига боғлиқ бўлмасдан, у инсонлар, ўзининг қўл остида хизмат қилувчи мутахассислар ва ишчилар, айниқса, чет эллик ҳамкаслари – бизнесменлар доирасида умумахлоқий меъёрларга риоя қилиши билан ҳам баҳоанади. Ишдаги муваффакиятнинг ярмидан кўпроғи унинг одобига, маданиятига, дунёқарашига, ишбилармонлик қоидаларини қай даражада билишига бевосита боғлиқдир.

Умуман, тадбиркорлик – бу маданият. Айтишларига қараганда, маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятли бўлиши лозим. Арасту (Арестотель) ўз замонида биринчи бўлиб ахлоқ тўғрисида гапириб: “Ахлоқ – нимани қилишимиз ва нимадан ўзимизни тийишимиз кераклигини аниқлашимизга ёрдам беради”, - деган эди. Президентимиз И. Каримов ахлоқ тушунчасига қуйидагича таъриф берди: “Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчалик салом-алиқ, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани”.

Умумий қоидалар

- хусусий мулк муқаддас, дахлсиз ва мулкчиликнинг қолган барча шакллари билан бир қаторда теппа-тengdir;
- тадбиркор – ишчанлик ва яратувчанлик миссиясининг жонқуяридир. Унинг касби астойдил фаолиятни, ишлаб пул топишни талаб қиласди. Бу унинг обрў-эътибори манбаидир;
- тадбиркор ўз меҳнатининг аҳамиятини англай олади. У ўз ҳамкорларидан ишга масъулият билан ёндашишни талаб қиласди ва уни қўллаб-қувватлайди;
- хусусий хўжалик фаолияти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига олиб келади ва табиркорга ўзига хос мажбуриятлар юклайди.

Тадбиркор ва давлат

- тадбиркор давлат ва унинг қонунларини тўғридан-тўғри ҳурмат вилиши ва уларга амал қилиши лозим. Ўз навбатида, у бундай ёндашувни адвлатдан ҳам талаб қилиши керак.

Тадбиркор ва мижоз

- тадбиркор мижоз манфаатлари, жамият, давлат ва атроф-муҳит учун зарар келтирмасликка, унга амал қилишга мажбурдир;
- мижоз манфаатлари давлатнинг қонун ва манфаатларига зид бўлган ҳолларда тадбиркор бу тўғрида мижозларни огоҳ қилишга мажбурдир;
- мижоз оферталар ва ишлаб чиқарувчиларни танлаш ҳуқуқига эгадир. Рақобат юксак сифат кафолатидир;
- тадбиркор мижозни билмаслик ёки атайлаб уни адаштириш, шунингдек, бажара олишга ишончи бўлмаган буюрталарни қабул қилиш ҳолларига йўл қўйиши мумкин эмас;
- ваъдага вафо ва аниқлик тадбиркорнинг қимматли капиталидир. Кўл бериб тасдиқланган сўз, имзо чекилган шартнома қучига эгадир. Зоро, унга ибноан мажбурий тартибда оғзаки келишувни акс эттирувчи ёзма шартнома расмийлаштирилади;
- шартнома муносабатларини бажармаслик ва ёмон сифат тадбиркорнинг жамият ва ҳамкаслари олидидаги ғоят оғир айбидир, чунки бу тадбиркорининг шарафи, нуфузи ва яхшига номига зарар келтиради;
- тадбиркор ва мижоз ўртасидаги муносабатлар мажбурлаш асосида эмас, балки ихтиёрий ва ўзаро ишонч асосида вужудга келади.

Тадбиркор ва ёлланган ишчилар

-тадбиркор ёлланган ишчиларнинг иқтисодий манфаатлари ва инсоний қадр-қиymатларига нисбатан барча масъулиятни ўз зиммасига олади. У ўз ишчиларидан қонунларга амал қилишини талаб этади ва ўзи ҳам шунга риоя қилади;

9.2. Тадбиркор маданияти

Тадбиркор маданияти деганда тадбиркор адаби ва иқтидори ўртасидаги диалектик боғланиш тушунилади. Бу боғланиш қуйидаги фазилатлар мажмуасида ўз аксини топади:

Адаб – ақлнинг суюнчиғи, барча фазилатларнинг мезони. Беҳудага халқимизда: “Ақл билан адаб - эгизак”, дейишмайди. Адаб – яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлардан bezайди.

Адаб тадбиркорни энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада ақл эгалари бундай тадбиркордан ҳар ишда рози бўлишади. Адабли тадбиркор эса кундан кунга обрў топади, нуфузи ошади, ишалри равнақ топади.

Баъзи ҳакимлар адабни энг масъум ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилари нафсни барча қабих одатлардан тозалаш деб таъриф беришади. Демак, тадбиркордаги адабнинг мавжудлиги, бу ноёб неъматнинг мавжудлигидир.

Умуман адаб икки хил бўлади:

- ҳикмат адаби;
- хизмат адаби.

Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. **Хизмат адаби** эса бадавлатлик ва обрўга етказади. Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қурдатли қилади.

Адаб раҳбарни ақл ва ахлоқ эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субугли бўлишга даъват этади.

Иймон арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси – ишончdir.

Содда қилиб айтганда:

Иймон уя нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод – бу ишонч. Иқрор – сўзда буни тан олиш. Амал – яъши ишлар билан уни исботлаш.

Инсоф – бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, қишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилик. Баробарлик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Ўзгани ўз ўрнига ва шунингдек, ўзини ўзгани ўрнига хаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Юқорида таъкидлаганимиздек, тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом ва беморни ўз ўрнига қўйиб кўролса ва аксинча ҳам худди шундай бўлса олам гулистон – инсофлилар сафи кўпаяверади.

Адолат – бу барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир. Адолатпарвар тадбиркор ёки раҳбарнинг ахлоқий хислатлари бемалол қонун ўрнини боса олади. Улуғ аллома Насриддин Тусий ижтимоий адолатнинг уч асосий талаби мавжудлигини ва жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканини алоҳида уқтирган эди:

Адолатнинг биринчи талаби, аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир.

Адолатнинг иккинчи талаби, эл-улуснинг ҳақ-хуқуқини тенг таъминлаган ҳолда қишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиши.

Адолатнинг учинчи талаби, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб, ҳар бир инсон ўз улушкини олишга имкон яратишдан иборат.

Бу каби давр ва ҳаёт тажрибасида тасдиқланган фикрлар саккиз аср чамаси ўтиб, Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятида ўзига хос тарзда ифода топмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун юртбошимизнинг маърузаларидан биридаги ушбу фикрга дикқат қиласи: “Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига – ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал қашшоқларга бўлинниб кетишга йўл қўймаслиги керак”.

9.3. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари

Тадбиркорнинг ташкилотчилик қобилияти ҳамма нарсада муваффақиятга эришувининг муҳим шартидир. Қандай тадбиркор раҳбар муваффақиятига тез эришади? Руҳшунос олимлар унинг бир неча омилларга боғлиқлигини таъкидлаганлар.

Булар қуйидагилардир:

Тадбиркор раҳбарда ташкилотчилик қобилиятининг намоён бўлиши:

- жамоада соғ аҳлоқий мухит пайдо қила олиши, ҳамманинг ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлай олиши;
- одамларни ишонтира олиши ва жамоада ўзаро яхши муносабатларни қарор топтириш учун шарт-шароит яратиши.

Раҳбарнинг одамлар билан тил топиб ишлаш маҳорати:

- тадбиркор ўз қўл остидагиларнинг нимага қодирлигини ҳисобга олиб ишларни тақсимлаши;
- одамларни уюштиришнинг энг муҳим омилларидан фойда-ланиши;
- ҳар бир кишининг руҳий-психологик қайфиятларига мос равиш-да мулоқот қилиши.

Тадбиркор раҳбарнинг меҳнатга муносабатида ишбилар-монлиги:

- ишлаб чиқариш ва бошқа жабҳаларда ҳар хил муаммоларни ҳал этишда энг қулай йўлларни излаб топиш;
- виждонлилик ва адолатлилик;
- бошлаган ишларни охирига етказиш.

Раҳбар фаолиятида ижро этиш қобилиятининг намоён бўлиши:

- қасбий малака ва кўнимкага эга бўлиши;
- техник вазифаларни ҳал этишга уқувлилиги;
- янгиликлар ва ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиб бориши.

Тадбиркор раҳбарнинг қарорларни қабул қилишдаги уқуви:

- мустакил равишда қарорлар қабул қила олиш;
- қабул қилган қарорининг оқибати ва натижаларини кўра билиши;
- ишлаб чиқаришда содир бўлувчи турли ҳолатларни ҳисобга олиб бориши, тангликтан қутулиш йўлларини излаши;
- нотўғри қарор қабул қилганда ўз хатоларини бўйнига олиши;
- ходимларни бошқарув масалаларига кўпроқ жалб этиши.

Тадбиркор раҳбарнинг одамларга муносабати:

- ўз ваъдаси, сўзининг устидан чиқиши;
- одамларни бир-биридан ажратмаслиги – ҳаммага баб-баравар муносабатда бўлиши;
- ўз қўл остидагиларга ва бошқаларга тавозеда бўлиши ва ўзини тута билиши, одоблилиги ва хушмуомалалиги;
- одамларга муносабатда ҳар бир кишининг руҳий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб муомалада бўлиши.

Тадбиркор раҳбарнинг ўз-ўзига талабчанлиги:

- ўз ҳатти ҳаракатларини танқидий баҳолай олиши;
- ўз имкониятларини ҳисобга олиб ишлаши;
- бошқаларнинг унга берган яхши ва ёмон баҳоларини таҳлил этиб, улардан тегишли хулоса чиқариши.

Раҳбар ўзида қуйидаги руҳий-психологик, физиологик, аҳлоқий, маънавий ва ишбилармонлик сифатларини мужассамлаштирган бўлиши керак.

Тадбиркор раҳбарнинг руҳий-психологик хусусиятлари:

Нутқ ва тафаккур сифатлари – кучли хотира, доимий диққатнинг барқарорлиги, соғлом ақл, фикрнинг кенглиги, чуқурлиги, тезлиги, муаммо моҳиятини тез англаб олиш, ижодийлик, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда қисқа, тушунарли, аниқ тарзда ифодалаш.

Характер сифатлари – мақсадга интилувчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, ўзи ва бошқаларги нисбатан талабчанлик, таваккал қилиш қобилияти, қийин вазиятларда ҳам ўзини йўқотмаслик, хазил-мутойиба туйғуси.

Хис-туйғу сифатлари – хис-туйғуларнинг турғунлиги, аниқлиги, ифодалилиги, кучли хаяжонли ҳолатларда түғри ҳаракатлар қилиш қобилияти, мулоқотга киришганда бошқалар кайфиятини, хис-туйғуларини ҳисобга олиш, ўз хис-хаяжонларини ва кайфиятларини бошқара олиш.

Хулқ-атвор сифатлари – янада яхшилашга интилиш ва уни ҳимоя этиш, одамлар билан муносабатда самимийлик, ҳалоллик.

Тадбиркор раҳбарнинг рухий-физиологик сифатлари:

1. Арзимас нарсалардан жанжал чиқармаслик, аччиқланмаслик, баъзан кўриб кўрмаганга олиш;

2. Рухий жараёнларда босиқлик.

3. Рухий, хаяжонли хавф-хатар ҳолларида ўзини йўқотиб қўймаслик.

4. Ўзини англашда фаоллик, кайфиятда ўта сезгирилик.

5. Жисмоний соғлом ва ҳар томонлама баркамоллик.

9.4. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуслари

Тадбиркор раҳбар фаолиятида ҳар хил зиддият (конфликт)лар ва можаролар учраб туради.

Моддий-техник сабаблар – меҳнат воситалари билан меҳнат жараёнлари, шартшароитлари ўртасидаги зиддиятлар. Асбоб-ускуна-лар, жихозлар эскилиги учун меҳнат шароити ёмон, меҳнат унумдор-лиги паст ва ҳоказо. Булар ходимларга ғамхўрлик қилишга тўсиқ, моддий ва маънавий эҳтиёжлар қондирилмаслигига сабаб бўлади.

Хўжалик-ташкилий сабаблар – меҳнат натижаларини түғри баҳоламаслик, меҳнатни түғри тақсимламаслик. Булар ходимларда норозилик туғдиради.

Ижтимоий-касбий сабаблар – ходимларнинг билими, малакаси ва касб маҳоратини назар-писанд етмаслик, ходимдан ўз ўрнида фойдаланмаслик, меҳнат қонунчилигига амал қилмаслик.

Ижтимоий-демографик сабаблар – ходимларнинг ёши, жинси, миллати, маълумоти каби омилларни, оиласи шароитларини инобатга олмаслик.

Ижтимоий-психологик сабаблар – ходимлар фаолиятида яққол қўзга ташланадиган яхши ва ёмон хислатлар, қобилияти, қизиқишилари, хотираси, тафаккури, хис-туйғуси каби рухий ҳолатлар билан хисоблашмаслик.

Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасидаги рухий психологик зиддиятлар келиб чиқишига сабаб:

1) меҳнат жараёнининг нотўғри уюштирилиши;

2) шахсларро муносабатларнинг хилма-хиллиги ва мурак-каблиги;

3) жамоа аъзосининг ўзига хослигидир.

Тадбиркор раҳбар бундай зиддиятли ҳолатларни түғри идрок этиши, таҳлил қилиши, баҳолаши муҳим аҳамиятга эга.

Бизнингча, тадбиркор раҳбарнинг ҳар қандай зиддият ва можарони бартараф этиш йўллари қўйидагилардан иборат:

1. Можаронинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва унинг ўткирлашишига йўл қўймаслик учун чора-тадбирлар кўриш.

2. Можароли вазиятни юмшатиши – зиддиятга борган кишилар билан ошкора сухбат ва улар сонини камайтириш чораларини излаш.

Вазиятни тўла идрок этиш, ўзлаштириш – «аҳвол»нинг хўжайини бўлиб олиш ва қатъий чора кўриш.

Можаро ва унинг вазиятларини чуқур таҳлил қилиши:

- можаролашаётган томон ва гувоҳлар билан алоҳида сухбат-лашиши;

- уларнинг мақсади, қизиқишилари, хулқ-атвори, касби, тажрибаси, турмуш шароити ва бошқа рухий-маънавий жиҳатларини ўрганиш;

- можароли вазиятнинг сабабларини, жамоанинг унга муноса-батини аниқлаш;

- можаро ҳақидаги ахборотларни ҳақиқий аҳвол билан солиш-тириш;

- можарони ҳал этишнинг ҳар хил усулларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- можарони ҳал этишнинг энг қулай усули, шакли, воситаси ва шароитларини танлаш;
- танланган усулларни жамоа тарбияси, меҳнат вазифалари, мақсадлари билан қиёслаб, тарозига солиб кўриш;
- танланган ва текширилган усулни қўллаб, можарони бартараф этиш;
- можаро бартараф этилганидан ҳаммани хабардор қилиш;
- можаро келтириб чиқарган томоннинг ноҳақлилиги исботлангач уларни тўғри йўлга бошлиш ва ҳоказо.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бизнесда бошқарув психологиясининг мазмуни ва моҳияти нимада?
2. Бошқариш санъати деганда нимани тушунасиз?
3. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг бошқариш санъатидаги характерли хусусиятлар нималардан иборат?
4. Тадбиркор раҳбарнинг руҳий-психологик хусусиятлари нимада?
5. Қандай тадбиркор раҳбар муваффақиятга тез эришади?
6. Тадбиркор раҳбар қандай талабларга жавоб бериши керак?
7. Раҳбарда қандай сифатлар мужассамлашган бўлиши даркор?
8. Раҳбарлик услубидаги салбий қусурлар қайсилар?
9. Тадбиркор маданияти деганда нимани тушунасиз?
10. Тадбиркор раҳбар низоли вазиятларда қандай йўл тутиши лозим?

10-МАВЗУ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОХИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Маъруза машгулоти

10.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти ва экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

10.2. Экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш

10.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳияти ва экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташки бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташки талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташки савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташки бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.


Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт килувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташки савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

10.2. Экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш.

Ташки савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДҲ мамлакатларининг улуси 2014 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди. 2014 йилда мамлактимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Узоқ хориж давлатларига қилинган экспортнинг жами экспортдаги улуси 2013 йилда 65,8 фоизни, 2014 йилда эса 66,7 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатлар бўйича мамлакатимиз экспортининг диферсификацияшув даражаси нисбатан чуқурроқ бўлиб, 2014 йил маълумотларига кўра фақат Хитой (9,7%), Швейцария (7,9%), Афғонистон (3,3%), Туркия (3,2%), Эрон (2,7%), Германия (2,2%), АҚШ (1,7%) нинг мамлакатимиз экспортидаги улуси 1 фоиздан юкоридир.



Республикамиз экспорти ва импортиning товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият қасб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан танишириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва х.к.

Бу борада хар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича маҳсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-хукукий қўллаб-куватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қиласди.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар:

1. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларни шарҳлаб беринг.
2. Таркибий ўзгаришлар сиёсатининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва ҳалқаро саноат кооперациясининг аҳамияти ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришдаги ролини изоҳланг.

4. Мамлакатимизда лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ва мониторингини олиб бориш механизми қандай жорий этилган?
5. Республикаизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш омиллари ва йўналишлари нималардан иборат?
6. Кичик бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг ролини тушунтиринг.
7. Экспортни диверсификация қилиш йўналишлари ва имкониятлари нималардан иборат?
8. Таркибий ўзгаришлар сиёсатини давом эттириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.

11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маъруза машгулоти

11.1.Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ривожланиши

11.2.Кичик бизнесни жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий ривожланишидаги ролини ошириш

11.3. Истиқболда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий ўналишлари.

11.4.Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш

11.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ривожланиши.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаравон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи билан боғлиқdir. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй берди.

Худудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши мутлақо етарли даражада эмас. Ваҳоланки барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса ижобий натижаларга эришамиз.

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра 2020 йилга бориб республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушкини 61,1 фоизга етказиш кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Худудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорининг ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган худудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

11.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушкининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасизdir.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти бекёёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қўйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2015 йилда 56,4 фоизга етганлиги;
- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шакланаётганлиги;
- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2015 йилда 20,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили хисобланади. 2015 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм микдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 12 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 4 трлн.сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожи учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КfB), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

<p>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириши/ тузилмага келтириши/ мустаҳкамлаши/ кенгайтиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - методологик нуқтаи назаридан энг мухим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш. - тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш. - касбий тайёргарлик сифатини аникловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш. 	<p>Кенг кўламли сұхбат.</p> <p>Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қаратса олиш, талабалар диққати ва қизиқишини, иш жараёнида очиб берилаётган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни мухокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг кўламли сұхбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишлиарни истисно қилмайди, балки, тахмин қиласди. Бироқ бундай маълумотлар мухокама учун асос бўлмайди, балки мухокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p>Маъруза ва рефератлар мухокамаси.</p> <p>Мухокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзидан қўшимча маърузачи ва оппонентлар (мухолифлар) белгиланади. Охирги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёrlанмайди. Сўзга чиқувчиларни ўzlари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишлиарни уйғотади.</p>

Талабаларни ҳар бирини қўшимча маъruzachi ёки оппонент сифатида тайёрланиб келишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маъruzalarни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Пресс-конференция.

Кисқа сўзга чиқишидан сўнг биринчи савол бўйича маъruzachi (агарда маъruzalар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маъruzachi жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маъruzachilar, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунida ўз хулосасини қиласди.

Ўзаро ўқииш.

Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишига йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гурухга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт вараклар – савонни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гурухларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қиласди.

Юмолоқ (ёзма / оғзаки) стол.

Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни кўллаш, ўз фикрларини кисқа ва асосланган холда баён қилиш қўнималарини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.

Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.

1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варак, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.
2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-куватлайди ва ривожлантиради.

Спецсеминар.

Бакалавриатнинг 4 курсида, магистратурда ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гурухларда ишлашга ва уни баҳолашга,

	<p>илмий тадқиқотлар усулларидан фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқуитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p> <p><i>Илм-фаннинг алоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиши.</i></p>
<p>Махсус (касбий) ва умумўқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида харакатлар алгоритмини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш. 	<p>Таълимий ўйин.</p> <p>Ўқитиш самарадорлигини унинг иштироқчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиши; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштироксилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса)ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p>Амалий топшириқларни бажарши.</p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гурухлар таркибида бажарилади ва қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p>Масалалар ечиши бўйича машқ.</p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қўйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиши.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиши жуда катта меҳнат талаб қиласи. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиши.</p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва</p>

	<p>баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантиларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гурухи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қуидаги босқичларини ўз ичига олиш мухим:</p> <ul style="list-style-type: none"> → муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш, → якка тартибда топилган ечимни биргалиқда (кичик гурухларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш, → гуруҳ ишини тақдимоти, → муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш. <p>Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.</p> <p>Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши</p> <p>Ушбу ўқув машғулотини тайёрлашда ўқитувчининг роли қуидагилардан иборат: лойиҳа топширифини ишлаб чиқиши; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбай бўлиши; бутун жараённи мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гурухлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (loyiҳavий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа маҳсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гурухларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиши ва баҳолаш	<p>Коллоквиум.</p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (сухбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради.</p> <p>У кўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиши уйғотган қўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) оҳирги семинар машғулотларида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p>Ёзма (назорат) иши.</p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топширикларини бажарадилар.</p>

Уларнинг тўпламини тўғри тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишилиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзөни) – амалий ёки илмий мұаммолар ечиш тоғасыни жамоавий юзага келтиришда құлланиладиган метод.



Метод чегараланған вақт оралығи ичидә аниқ мұаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йүлларини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланған.




Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун мұаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланған мұаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиши уйғотиши керак;
- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқища ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interaktive- интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун Effective – самарали Reading – ўқиш and – ва Thinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишининг интерфаол тизими хисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

- (✓) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;
- (+) –мен учун янги ахборот;
- (–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;
- (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

Ўқитувчи мавзуни, унинг мақсад ва натижасини, ўкув фаолиятни баҳолаш мезони билан танишитиради Ўкув машғулотининг ўзига хос хусусиятини ва машғулотни олиб бориш тартиби билан танишитиради

Ақлий хужум методи ёрдамида мавзунинг муҳим жиҳатларига эътиборни қартиш мақсадида таълим олувчиларга «....ҳакида Сиз нималарни биласиз ?» саволига жавоб беришларини таклиф килади

Ақлий хужум қондасини эслатади. Ёарча тутри-нотуғри жавобларни езув тахтасига қайд қилиб боришни ташкиллаштиради ва саволлар бериш орқали ўкувчиларга ёрдамлашади

Олинган ахборотни тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун: (1) тоифали жадвал тузилишининг жамоавий муҳокамасини ташкил этади; (2) ёув тахтасида жадвални чизиш ва унга жамоавий/якка тартибда олинган ахборотни киритишни таклиф этади

Матнларни тарқатади ва уни ўқиб матн четига ИНСЕРТ техникасига тегишли белгиларни қўйиб чиқишни таклиф килади

Ишни бориш жараёнини кузатиб боради. Иш натижаларини узаро текширишни ва матн билан танишиш вактида вужудга келган саволларга жавоб топишни таклиф килади

Ўкувчиларни ихтиёрий белгилар асосида гурухларга бўлади ва ИНСЕРТ жадвалини чизишни ҳамда уни тўлдиришларини таклиф килади

Гурухлар натижани тақдимот килишларини эълон килади

Тўпланган ахборотларни изохлаб беради ва умумлаштиради. Саволларга жавоб беради, мавзуга доир қўшимча маълумотлар келтиради

Мақсадга муваффакиятли эришишини тахлил килади ва баҳолайди ҳамда келгуси ишларни белгилайди

ИНСЕРТ техникасининг технологик чизмаси (2-вариант)

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд – (инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув таҳтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) муаммони ечиш вариантынин баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхисини танлаш имконини беради (3-расм);

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Ўқитувчи муаммони белгилайди (ўқув топшириқ) ва иштирокчиларга уни ечиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни таклиф этади.



Ўқитувчи тўғри жамоавий ақлий ҳужумни ташкиллаштиради, бошланишини рағбатлантиради



Ўқитувчи энг мақбул, самарали ва бошқа ғояларни таклиф қилишади, муҳокама қилишади, баҳолашади, танлашади ва уларни таянч фикрлар (сўзлар сони 2 тдан ошмаслик керак!) кўринишида карточкаларга ёки варакларга ёзишади ва ёзув таҳтасига ёпиштиришади.



Гуруҳ вакиллари, ўқитувчи томонидан белгиланган ўқувчилар (2-3 киши) ёзув таҳтасига чиқишади ва бошқалар билан маслаҳатлашиб: (1) хато ва тақорорланувчи ғояларни олиб ташлашади; (2) тортишув туғдирган ғояларни аниқлаштиришади; (3) ғояларни тизимлаштириш аломатларини белгилашади; (4) ушбу аломатларбўйича барча ғояларни(карточкалар, вараклар) ёзув таҳтасида гурухлаштиришади; (5) кўрсаткич, чизик ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаромуносабатларини кўрсатишади; жамоавий ягона ёки қарама-қарши позиция ишлаб чиқади



Ўқитувчи иш натижаларини баҳолайди ва умумлаштиради рағбатлантиради

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

БАҲС-МУНОЗАРА МЕТОДИ

Баҳс (мунозара) ўқитишининг фаол методларидан бўлиб, аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама қилишдан иборат. Баҳс орқали мунозарали савол, жамоавий муаммолар, баҳс, ўзаро фикрлар тортишувини ҳар томонлама муҳокама қилиш мумкин

КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи ўқитиши воситаси.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги қасбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (қасбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Кейс-стади (ингл.case – тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиши) – амалий ўқитиши вазиятлар методи.

Кейс-стади - ўқитиши, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптималь усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган ўқитиши технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиши технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қиска, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топширигини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
 - топширикли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

МУАММОЛИ МАСАЛА ВА ВАЗИЯТЛАР МЕТОДИ

Муаммоли масала ва вазиятлар методи - таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишига ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан иборат.

Муаммоли масала ва вазиятлар методидан фойдаланиш орқали назария амалиёт билан боғланиб, ўрганилаётган материал таълим олувчилар учун янада муҳимлиги ортади.

Муаммоли масала ва вазиятлар методи педагогик технологиясининг чизмаси 17-расмда келтирилган.

Муаммоли топшириқ фактларни ўрганиш ёки реал ҳаётдан олинган вазият ва баъзи инсонларнинг қизиқарли қарашларини ўз ичига олиши мумкин. Таълим берувчи ўқувчиларга бераётган топшириқ қандай бўлишидан қатъий назар муаммоли характерга эга бўлиши зарур

ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гурӯҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топширигини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;
- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Предмет жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир предмет доирасида, баъзан бошқа предметдан билимларни жалб этиш орқали	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	
Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гурӯҳли
<i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i>	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади	Узок муддатли
<i>Ўқув режасига киритилганини</i>	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдимоти ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади. Натижалар мазкур ўқиши даврига режалаштирилган семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади	Оралик
Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралик натижалар семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади	Очиқ (бевосита)

Ўқув лойиха усулини қўллаш жараёнида педагогнинг вазифаси қуидагилардан иборат: лойиха топширигини ишлаб чиқиш, ўқувчиларга ахборотни йиғишида ёрдам бериш, ахборот манбай сифатида иштирок этиш, жараённи бошқариш, иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш, узлуксиз равишида қайтар алоқа усууларини қўллаш, маслаҳат бериш.

ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам) - ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиши асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишида ёрдам беради.

👉 Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз вараги марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айланади.
2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айланади- “йўлдошча” ичида мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.
3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичида яна сўз ёки иборалар ёзисб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ – маълумотларнинг умумий жиҳатларидан айнан ўзига хос томонларини ифодалаб, маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

👉 Тоифали жадвални тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Ўқув ахборотни ўзига хос жиҳат (тоифа)ларини ажратинг.
2. Жадвалнинг биринчи горизонтал қаторига ажратилган тоифаларни ёзинг, тоифалар тагига яъни иккинчи қаторга ушбу тоифанинг ўзига хос томонларини акс эттирувчи ахборотни киритинг.

Диққат қилинг!

Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослаш имконини беради.

Концептуал жадвалда вертикал тик қатор бўйича таққосланган (фикр, назариялар) ҳолда жойлаштирилади; горизонтал қаторга эса таққосланаётган турли тавсифлар ва хусусиятлар ёзилади.

👉 Концептуал жадвални тузиш юзасидан

йўриқнома

1. Ўқув топшириқда кўрсатилган назариялар, ёндашишлар, тушунчалар, объектларни таққослаш учун уларни рўйхатини тузинг.
2. Жадвални расмийлаштиринг: вертикал (тик) қаторга - таққосланаётган тушунчалар, объектлар, назариялар ёзилади; горизонтал ётиқ қаторларга таққосланаётган уларнинг бир нечта аниқланган жиҳатлари ёзилади.

ВЕНН ДИАГРАММАСИ – Британиялик файласуф, математик ва мантиқчи олим Венн томонидан 1881 йилда киритилган.


Диаграммада ўрганилаётган тушунчаларни икки ёки уч жиҳатини ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки жиҳатларни, хусусиятларни қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Венн диаграммаси тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



Венн диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига

йўриқнома

1. Иккита бир-бири билан кесишувчи доираларни чизинг:



2. Берилган топшириқдаги объект ёки тушунчаларни ва уларнинг жиҳатларини аниқлаб олинг.

3. Кесишган доиралар ичига объект ёки солиштирилаётган тушунчаларнинг номини ёзинг ва уларнинг ўзига оид барча хусусиятлари ёки жиҳатларини ёзиб чиқинг.

4. Доиралар ичидаги хусусият ёки жиҳатларни таққосланг.

5. Ҳар бир доира ичидаги бир хил ахборотларни доиранинг кесишган жойига йиғиб, ёзиб чиқинг.

6. Доираларнинг ўзаро кесишган жойида аниқлаётган объект ва тушунчаларнинг умумий хусусиятлари ёки жиҳатларини аниқланг.

Т-ЖАДВАЛ - битта концепция (маълумот)нинг иккита жиҳатини қайд қилиш ёки иккита (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) жиҳатларини солиштириш учун қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.



Т-жадвалини тузиш бўйича ўқув топшириғига

йўриқнома

1. Т-жадвални қуидаги тузинг:
2. Жадвалнинг юқори томонига қарама-қарши жиҳатлар: ҳа ёки йўқ (ҳа ёки қаршиман, ижобий ёки салбий) сўзларини ёзинг

Солиштирилаётган объект номи	
Ҳа	Йўқ

3. Ҳа ёки йўқ сўзларининг тагига солиширилаётган тушунча ёки ахборотнинг жиҳатларини ёзинг, яъни унинг чап томонига сабаблари (ҳа), ўнг томонига эса чап томондаги фикрга қарама-қарши фикр, ғоя, омил ва шу кабиларни ёзинг.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ – муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо сабабини аниқлаш учун:

- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг


«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ – бир қатор муаммоларни тасвирилаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяқ»нинг чап қисмида (ёки юқори сужкда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки сужкда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантиқий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг.

Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

3. Диаграммани таҳлил қилинг: агар диаграммадаги тармоқланган “шохчалар”да гоялар тақрорланса, демак айнан шу ғоя муаммони ечишда мухим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Маслаҳат ва тавсиялар:

Янги гояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дараҳт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг мухими эсда тулинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлади.

«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзиди нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўнималарини шакллантиради.



«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзиди нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;

	B	
	D	
	G	

	Z	
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y
	H	

		C
		F
		Y

2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул барига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

Сўров техникасининг технологик схемаси

Ўқитувчи савол беради, унга тўлиқ жавоб беришни таклиф этади. Огоҳлантиради: кейинги ўқувчи саволга жавоб беришни олдинги ўқувчи ўз жавобини тамомлагандан кейин бошлайди.



Ўқувчилар навбатма-навбат саволга жавоб беришади. Ўқитувчи тинглайди, зарур бўлганда йўналтирувчи саволларни беради ва жавобларни тўғирлайди; зарур бўлганда бошқа ўқувчиларни жавобларни тўлдиришни таклиф этади.



Ўқитувчи жавобларни умумлаштиради ва хуносалар қиласди.

Тезкор-сўров техникасининг технологик схемаси (ўқитувчининг хатти-харакати)

Савол беради. Қисқа ва лўнда жавоб беришни таклиф қиласди



Жавобларни тезлик билан йигиб олади. Бунда агар жавоб берувчи жавоб беришда қийналса ёки нотўғри жавоб берса, бошқа ўқувчига мурожат қиласди



Жавобларни умумлаштиради ва хуносалар қиласди

**Ким ошди савдоси (аукцион)нинг технологик схемаси
(ўқитувчининг хатти-харакати)**

“Ким ошди савдоси” тушунчасини тушунтиради. Ким ошди савдоси – савдо-сотовнинг кенг тарқалган тури, унда товар энг кўп нарх қўйган сотиб оловчига тегади.



Бир маъноли жавоб талаб қилувчи савол беради, масалан “Хусусиятларни айтинг...”, “Ушбу мавзу бўйича қандай тушунчалар билан Сиз танишсиз?”(ўкув машғулот бошида). Қисқа ва лўнда жавоб беришни таклиф қиласди



Жавобларни тезлик билан йиғиб олади. Ҳар бир тутилишдан кейин, учгача санашни бошлайди.




Оҳирги жавоб берган ўқувчини ғолиб деб эълон қиласди.




Жавобларни умумлаштиради ва хуносалар қиласди

“Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” педагогик технологиясида ўқитувчи хатти-харакатларининг технологик схемаси

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш



2. Ўқувчилар жуфтликларга бўлиниб, бир - бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишга ҳаракат қиласди.



3. Ўқитувчи, 2-3 та жуфтликларга аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришни таклиф қиласди, уларнинг жавобларини изоҳлайди.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

- 1) «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 327-сон 26 апель 2012 йил.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 15 майдаги “Хусусий мулқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725 сонли Фармони
- 3) И.А. Каримовнинг “2015 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ўзини оқлаган ислоҳот стратегиясини изчили давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги маъruzасида белгиланган устувор вазифалар бўйича қиёсий таҳлилни амалга ошириш.
- 4) 2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришни структуравий ислоҳотлар билан таъминлаш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида реал сектор корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг таҳлили. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни.
- 5) Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари.
- 6) Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.
- 7) Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш.
- 8) Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш.
- 9) Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари.
- 10) Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили.
- 11) Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили.
- 12) Тадбиркорлик этикаси ва маданияти.
- 13) Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт сало-ҳиятини баҳолаш.
- 14) Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.
- 15) Бизнесни бошқариш мақсади, бошқариш вазияти, бошқариш муаммолари, бошқаришда ахборотлар билан таъминоти ва бошқаришда қарор қабул қилиш.
- 16) Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этиш шароитларида молия назарияси.
- 17) Молиянинг функцияси бизнесда молиявий сиёsat.
- 18) Бизнес ва хусусий корхоналарнинг молиявий соҳаси.
- 19) Молия бозори тушунчаси, функцияси, иштирок этувчи шахслари

ГЛОССАРИЙЛАР

ГЛОССАРИЙЛАР

Atamaning o'zbek tilida nomlanishi	Atamaning ingliz tilida nomlanishi	Atamaning rus tilida nomlanishi	Atamaning ma'nosi
Assortiment	Assortiment	Ассортимент	Sotish xonasida turli hil mollarni to'planishi
Agent	Agent	Агент	ma'lum darajada doimiy asosda ish ko'ruchchi ulgurji savdo xodimi bo'lib, ko'p bo'lмаган funktsiyalarni bajaradi va tovarga nisbatan mulk huquqini olmaydi.
Ajiotaj talab	rush demand	Ажиотажный спрос	bozordagi shov-shuv va vahima ta'siri ostida sun'iy paydo bo'ladigan va shiddat bilan ortib boradigan talab.
Alyanslar	Alliances	Альянсы	raqobat kurashida g'olib chiqish g'oyasidan voz kechish va hamkorlik firmalari tarmog'ini shakllantirishga o'tish.
Assortimentni ishlab chiqish va rejalashtirish	Planning and production of a range	Планирование и производство ассортимента	bozor talablariga muvofiq ishlab chiqarishning assortiment tuzilmasini ishlab chiqish. Mahsulot raqobatdoshligini baholash. Texnik va iste'mol parametrlari o'zaro aloqasini o'rganish. Yangiliklar kiritish siyosati. Narx siyosati. Tovar qadog'i. Tovar belgisi.
Bozor kon'yunturasi	Market conditions	Конъюнктура рынка	muayyan davrdagi bozor holati, bozorda muvozanatning mavjudligi yoki buzilganligi bilan xarakterlanadi.
Bozorni majmuaviy o'rganish	Compleks marketing research	Комплексное изучение рынка	korxonaning ishlab chiqarish, savdo, tovar, sotish, reklama, narx va boshqa sohalaridagi tadqiqot, tahlil va proqnoz (bashorat). Raqobatdoshlar faoliyatini o'rganish.
Bozor segmenti	Market segment	Сегмент рынка	таклиф этилаётган битта маҳсулот тури ва маркетинг комплексига бир хилда муносабатда бўлувчи истеъмолчилар гурухи мажмуui.
Bozorni segmentlash	Market segmentation	Сегментация рынка	iste'molchilarini, ularning ehtiyojlarini, imkoniyatlari yoki xulq - atvorlariga asosan guruhlarga ajratish jarayoni.
Bozorni pozitsiyalashtirish	Market positioning	Позиционирование рынка	bozorda va maqsadli iste'molchilar ongida tovarni shubha uyg'otmaydigan, boshqalaridan aniq ajralib turuvchi, maqbul joy bilan ta'minlash.
Bozor sharoitlarida sinash	Testing in market conditions	Тестирование в условиях рынка	yangilik ishlab chiqish bosqichi bo'lib, bunda tovar va marketing strategiyasini real foydalanish sharoitlarida sinab ko'riladi. Bu sinov iste'molchilar va dilerlarning tovardan foydalanishda o'ziga xos qarashlarni aniqlash, shuningdek bozor o'lchamlarini aniqlash maqsadida o'tkaziladi.

Bozorning maqsadli segmentlarini tanlash	Selecting a target market segment	Выбор целевого сегмента рынка	o'z tovarlarini olib chiqish uchun bir yoki bir necha bozor segmentlarini baholash va tanlash.
Bozor muhofazasi	market protection	Защита рынка	milliy bozorning yoki ayrim tovarlar bozorining, davlatning eksport-importni tartibga soluvchi tadbirlari vositasida himoya qilinishi.
Vaziyatli tahlil	Situational analysis	Ситуационный анализ	muvoffaqiyatlar va muvaffaqiyatsizliklarni hisobga olgan holdagi oldingi faoliyatini o'rganish: ishlab chiqarish va bozordagi vaziyat o'zgarish sabablarini aniqlash; xodimlar ishi samaradorligini baholash, ish ko'rsatkichlariga tashqi muhit ta'sirini hisobga olish; xozirgi kundagi vaziyat ta'sirini aniqlash va kelajak prognozi (bashorati).
Vertikal marketing tizimi	Vertical marketing system	Вертикальная система маркетинга	ishlab chiqaruvchi bir yoki bir necha ulgurji sotuvchi va bir yoki bir necha chakana sotuvchilar yig'indisi bo'lib, bunda taqsimot kanalining a'zolaridan biri boshqalarining egasi bo'ladi yo ularga tijorat imtiyozlarini beradi, ularning to'la xamkorligini ta'minlovchi qudratga ega bo'ladi.
Differentsiatsiyalan gan marketing	differentiated marketing	Дифференцированный маркетинг	bir qator o'hshash mahsulotlar bilan, bozorning tegishli ixtisoslashtirilgan segmentiga chiqish. Bozor segmentlarining har biriga alohida ishlab chiqilgan takliflar bilan chiqish. Harakatlarni bir segmentga qaratish o'rniغا butun bozorga birdaniga, bir taklif bilan murojaat qilish.
Debitor	Debit	Дебитор	Biron korxona yoki firmadan yuridik shahs yoki fuqaroning qarzdor bo'lishi
Ishlab chiqarishni takomillashtirish kontsepsiysi	The concept of improving production	Концепция совершенствования производства	iste'molchilar keng tarqalgan va narxi qulay tovarlarga yaxshi munosabatda bo'lishini, shuning uchun rahbariyat o'z xarakatlarini ishlab chiqarishni takomillashtirishga va taqsimot tizimi samaradorligini ko'tarishga yo'naltirilishi kerakligi haqida tasdiq.
Ijtimoiy - axloqiy marketing kontsepsiysi	The concept of social-ethical marketing	Концепция социально-этического маркетинга	bu shunday tasdiqki, tashkilot oldida iste'molchi va jamiyat xotirjamligini saqlagan yoki mustahkamlagan holda mo'ljalidagi bozor ehtiyojlarini, zaruriyatlarini va qiziqishlarini aniqlash, hamda itsalayotgan qoniqishni raqobatchilarga nisbatan samaraliroq va maxsuldar yo'llar bilan ta'minlash vazifasi turadi.
Ijtimoiy marketing	Social marketing	Социальный маркетинг	iste'molchilar zaruriyatları, jamiyat omilları (atrof muhitni himoyalash, sog'-salomat muhit tarzi va b.) va mahsulot sifatini saqlab qolish asosida shakllanadi.
Iste'molchilar ma'lumotlar bazasi	Base consumer data	База данных потребителей	individual iste'molchilar xaridlari, ularning talablari, demografik ma'lumotlar va ta'minlanadigan foyda to'g'risida kengaytirilgan ma'lumotlar bazasini yaratish. Tegishli ma'lumotlar bazalari asosida, kompaniyalar mijozlar ehtiyojlarining turli hududlarini aniqlaydilar va ularning har biri

			uchun savdo takliflarini tayyorlaydilar.
Lizing	Lizing		Imorat inshoat asbob uskuna transport vositalari o'rta va uzoq muddatga ijara berish.
Makromarketing	Macromarketing	Макромаркетинг	davlat, bozor, mintqa iqtisodiyotining butun ishlab chiqarish salohiyatini ishga solgandagi individual va jamiyat ehtiyojlarini qondirish bo'yicha hatti-harakatlar.
Maqsadli marketing	Target marketing	Целевой маркетинг	iste'molchilarning maksimal keng doirasiga tovarlarni taklif etishdan, tanlangan maqsadli bozorlarga xizmat ko'rsatishga o'tish. Maqsadli marketing bo'yicha iqtisoslashtirilgan jurnallar, televizion kanallar va Internet axborotlarini qo'llash bilan engillashadi.
Marka	Mark	Марка	bitta sotuvchi yoki sotuvchilar guruhi tomonidan belgilangan, tovar va xizmatlarni ajratish uchun mo'ljallangan, nom, atama, belgi, rasm yoki ularning uyushmasi. Marka nomlari eslatib qolish, sotuvlar, imidjni shakllantirishi, joy egallash, reklama funktsiyalarini bajarishi lozim.
Marketing	Marketing	Маркетинг	bu tovarlarni bozorga chiqarish, talabni shakllantirish va sotuvlarni rag'batlantirish maqsadida, tovarlar, mahsulotlar, xizmatlar, qimmatli qog'ozlar bozori sohasida amalga oshiriladigan faoliyat
Marketingni boshqarish	marketing Management	Управление маркетингом	korxona maqsadlariga erishishi uchun ahamiyatli xaridorlar bilan foydali ayriboshlovlanri o'rnatish, mustahkamlash va qo'llab-quvvatlash yuz asidan qilingan tahlil, rejalashtirish, tadbiq qilish va tadbirlar bajarilishini nazorat qilish harakatlari. Marketingni boshqarish jarayoni - quyidagilardan tarkib topgan bo'ladi: 1) bozordagi imkoniyatlarni tahlil qilish; 2) maqsadli bozorni tanlab olish; 3) marketing usulini ishlab chiqish; 4) marketing tadbirlarini hayotga tadbiq etish.
Marketing kontseptsiysi	Marketing concept	Концепция маркетинга	tashkilotning maqsadga erishishi garovi va bu mo'ljallanayotgan maqsadli bozor, bozordagi zaruriyat va ehtiyojni aniqlash va itsalayotgan qoniqishni rag'batlantirishga nisbatan samarali va mahsuldar yo'llar bilan ta'minlash tasdig'i.
Marketing tadqiqoti	Marketing research	Маркетинговые исследования	firma oldida turgan marketing vaziyati bilan bog'liq bo'lgan, hamda to'plash, tahlil qilish va natijalar hisobotini tuzish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar doirasini tizimli ravishda aniqlash.
Marketing axboroti tizimi	Information Marketing System	Информационная система маркетинга	insonlar, jihozlar va uslubiy ta'minot o'zaro aloqadorligining doimiy faoliyat yurituvchi tizimi bo'lib, marketing sohasi bilan shug'ullanuvchilarning rejalashtirishni, tadbiq etishni va tadbirlar bajarilishi ustidan nazoratini takomillashtirish maqsadida foydalilanidigan muhim, o'z vaqtidagi va aniq ma'lumotlarni

			tasniflash, tahlil qilish, baholash va tarqatish uchun mo'ljallangan.
Marketing nazorati	Marketing control	Маркетинговый контроль	amaldagi ko'rsatkichlarni reja ko'rsatkichlaridan farqlanish qiymatlari va sabablariga bog'liq holda, to'g'rilevchi harakatlarni tayyorlash. Nazoratning uchta turini ajratadilar: - yillik rejalarini bajarish ustidan; - foydalilik dinamikasi ustidan; - strategik maqsadlar uchun foydalanimish mumkin bo'lgan, axborot yig'ish ustidan.
Protektsionizm	Protectionizm	Протекционизм	Milliy ishlab chiqaruvchilarni rivojlantirish maqsadida chet el raqobatidan saqlash, himoya qilish
Tadbirkor	Interprentership	Предприниматель	Yuridik shahs tashkil etgan va etmagan holda tadbirkorlik faoliyati bilan shugullanuvchi shahs
Firma	Firm	Фирма	Ishlab chiqarish hizmat k'orsatish tijorat faoliyati bilan shugullanuvch yuridik shahs xisoblangan korhona
Erkin savdo zonasasi	Free trade zone	Зона свободной торговли	Boj to'lovlaridan ozod qilingan zonadir

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН
ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Электрон журналлар

1. Pioneers in entrepreneurship and small business research. www.businessbook.com
2. International Journal of Business Forecasting and Marketing Intelligence. www.inderscience.com
3. Global Business Strategy A Systems Approach, www.GlobalTextProject.com
2. Ansoff matrix. www.free-management-ebooks.com
3. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz
4. Экономическое обозрение. www.cer.uz
5. Journal of businnes. www.ama.org
6. Journal of europion Research. www.ama.org
7. Journal of International business. www.ama.org
8. Бизнес вестник Узбекистана, www.businnesvestnik.uz

Интернет сайтылар

1. www.digitalmetricsplaybook.com
2. www.marketo.com
3. www.bizneslab.uz
4. www.study.com
5. www.inderscience.com
6. www.free-management-ebooks.com
8. www.press.uz
9. www.stat.uz

Х.Ё.Ёкубжонова

Кичик бизнес ва тадбиркорлик

Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

Маъруза машғулоти учун

Наманган: Иқтисодиёт, 2020 йил, 177- бет.